

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## ҲАММАНИНГ ҚИЗИ СИЗГА ЎХШАСИН...

Яхши бир оиланинг бекаси, олима, атоқли шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг қизи, академик ёзувчи Ойбек ва кимёгар олима Зарифа Саидносованинг келини Хулкар Олимжонова ҳақида чин дилдан ёзгим келди.

Баъзи "катта"ларнинг фарзандлари ота-онаси шухратидан эркаланиб кетишади. Кейин улар кексайган ота-онага меҳр кўрсатишни унутиб қўйишади.

Мен Хулкар опанинг ниҳоятда камтарлигини, меҳнат-севарлигини, ота-онага, оилага чексиз меҳрини, қайнона-қайнота дуосини олганини ўз кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитганман. Ҳа, биз шогирдлар Зулфия опа хонадонига кўп борар эдик. Байрамларда, узоқ сафарлардан қайтганларида, тўйлари, таваллуд кунларида... Устоз бизни бағри кенглик ва самимиятла ёнларида қизлари Хулкар ва келинлари Риояхоним билан кутиб олардилар...

Бир куни қаттиқ шамоллаб қолганларида "Саодат" журналинда чиқадиган асарларни ўқиб беришим учун уйларига тақлиф қилдилар. Келинлари ишда экан. Мен ўқийман. Устоз тинглаб, ҳар жой, ҳар жойини таҳрир қиладилар. Тушга яқин Хулкар опа салом бериб, гулдек яшнаб кириб келдилар. Хонада нур, устоз чехрасида бахт, гурур порлади. Зулфия опадек сарвқомат, кенг пешонали, катта-катта оху кўзлари дадаси Ҳамид Олимжоннинг кўзларидек зийрак, ёқимтой. Юзлари гулгун, қадамлари илдам.

- Келдинми қизим, чарчамдинми? - Зулфия опа ажиб бир меҳр билан сўрадилар.

- Аяжон, соғлигингиз яхшими, дориларни ичдингизми? - Она ва боланинг бахмалдек майин муносабатидан дилим яйрайди, ҳавасим келади.

Хулкар опа ярим соат ичда дастурхон тузаб таом тайёрлашга, меҳмонга ҳам, онаизорга ҳам парвона бўлишга улгуради. Кейин хайрлашиб, табассуми, сўзлари билан онага шифо бағишлаб, юмушига кетди.

Хулкар Олимжонова Республика Фанлар Академияси аспирантурасида ўқиб, диссертация ёқлагач, 35 йилдан ортиқ вақт университет талабаларига ўзбек адабиётидан дарс берди. Унинг зукколиги, ўнлаб шоирларнинг, айниқса аяси ва дадасининг кўп шеърларини ёддан айтишини талабаларидан эшитганман. "Хулкар опа-

миз дарс ўтсалар ором олашимиз, яйраймиз. Шеърият дунёсида кезамиз. Адабиётга меҳримиз минг чандон ортади", дейишганди улар. Ҳа, ўзбек ва рус гуруҳларига ҳар икки тилда дарс ўтиб, ёшларни ўзига махлиё қилиб оларди Хулкар Олимжонова.

Бу хонадонга не-не табарруқ инсонларнинг, дунё тан олган ёзувчи-шоирларнинг, олиму санъаткорларнинг

вақт вафотидан сўнг Хулкарни, Омонни гул ичида ўстирди, шеър ичида ўстирди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб йўл кўрсатди уларга.

Омон Олимжон фалсафа фанлари номзоди. Ўзбекистон Олий Мажлисида бўлим мудури, Республика Олий Мажлиси депутаты. Хулкар Олимжон ва филология фанлари номзоди, обрў-этибор топган муаллима.

чалар кўзини қувонтирганини, иззат-икром кўрсатганини, кейин эса Ойбек уй-музеини очилишида Зарифа опа ёнида туриб, саъй-ҳаракатлар қилганини, келди-кетдини кутиб, кўрсатган илтифотларини айтиб адо қилолмайман. Хулкар опани тўйларида, турли учрашувларда, қариндош-уруғлар азасида ҳам бирон дақиқа оёқ узатиб ўтирганини кўрмадим. Доим хизматда, доим кўли юмушда.

Хулкар Олимжонова умр йўлдоши Омон Тошмухамедов билан 40 йил бирга аҳил яшаб, ҳамма вақт унинг хизматида тайёр турганини, бир оғиз сўзига "лаббай дадаси" деганини яхши биламиз.

Ҳаёт синовлардан иборат. Мард, иродали инсон бундай синовларда бироз эгилади-ю, лекин синмайди. Дунё таниган, дунё олқишлаган меҳрибон онажони, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним қўтлуғ 82 ёшида раҳматли бўлди. Фарзандлар қаддиларини букмай, онажонларининг минглаб ёру-дўстларини, юзлаб шогирдларини иззат билан кутиб олиб, икром билан кузатдилар. Муқаддас хотирасини асраб-авайлай бошладилар.

Мана яқинда илк баҳор кунлари Хулкар Олимжонова яратганнинг яна бир имтиҳонига дуч келди. Болаларининг отаси, азиз умр йўлдоши Омон Тошмухамедов ётмай-турмай осонгина яратганга омонатини топширди. Яна мустаҳкам ирода, яна ҳаёт тажрибаси, яна ёру-дўстлар, жигарлар, фарзандлару набиралар Хулкар опанинг куйган юрагига малҳам бўлишди...

Сиз барибир бахтлисиз, Хулкар опа! Эл-юрт дуосини олган, онаизорингиз Зулфия опамизга бир умр суяч тоғи, меҳр дарёси, қувонч олами, жон малҳами бўла олган фарзандсиз. Минглаб ёшлар қалбини, онг-шуурини ёритган, уларни эзгулик олами сари етаклаган бой-бадавлат мураббийсиз. Фарзандларингиз Гулшод, Лола, Фотима, Хусани эл хизматида қўшган онасиз, бувисиз.

Сизга узоқ умр, сабр-қаноат, ёру-ҳаёт, янги шодликлар тилаб қоламан. Қани энди, ҳамманинг қизи сизга ўхшаса...



қадами етган. Хулкар ўзининг билими, тил билиши-ю, ўқтам муомаласи билан ҳар бир меҳмон қалбига гўзал таассуротлар қолдира олган. Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Амрита Притам, Марварид Дилбози каби жаҳонгашта шоирлар даврасидаги гўзал мушоираларда устоз Зулфия шеър ўқийёт бирор сатрини унутса, Хулкар уни давом эттириб, олқишлар олган...

Зулфия опа Ҳамид Олимжоннинг бе-

- Бизни тарбиялаб вояга етказишда аямга ёрдам берган Комила бувимни соғинч билан эслаيمان, - деганди Хулкар опа бир сўхбатимизда.

Ҳа, Ҳамид Олимжон қалбига шеъриятга илк муҳаббат уйғота олган Комила биби набиралари Хулкар ва Омонни "чирогим" деб бағрига босиб, ўзидаги яхши хислатларни шуларга сингдириб катта қилди.

Хулкархоним Ойбек хонадонига ибодли, ҳаёли келин бўлиб, уларнинг қан-

# МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

- Аввало, қишлоқ хўжалик юмушлари ўта қизгин паллага кирган бугунги кунда меҳнаткашлардан хол-аҳвол сўраш, ғалла ўрим-йиғими ва ғўза парваришига тааллуқли ишлар билан жойида танишиш, одамларнинг кайфиятидан бохабар бўлиш, - деди Қашқадарё вилоятига қилган сафаридан қузатилган мақсад ҳусусида сўзларкан Ўзбекистон Президентини Ислол Каримов.

Ўртбошимиз даставвал Қамаш туманидаги "Чим" жамоа ширкат хўжалигида бўлиб, ижарачи Абдимурод Бозоровнинг ғаллазорида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Давлатимиз раҳбари деҳқонлар билан суҳбатда эътиборни сарфланаётган харажатларни камайтириб, фойда микдорини оширишга қаратди. «Бугунги деҳқон фақат далада тер тўкиб меҳнат қилишни эмас, балки қайси йўл билан кўпроқ фойда олиш мумкинлигини ҳам билиши энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир», - деди Ислол Каримов.

Меҳнати самарасини кўриш киши руҳини кўтарди, янгиликларни жорий қилишга илҳомлантиради. Руҳ баланд бўлса, одамнинг қурби тоғни таъкид қилишга етиб, аксинча бўлса, барча режалар чиппакка қичкади.

Президентимиз деҳқонларнинг руҳини кўтаришда иқтисодий манфаатдорликнинг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. Бунинг учун давлатга топширилган ҳосилга кечиктирмасдан ҳақ тўлаш зарур. Ўртбошимиз деҳқонлар билан суҳбат давомида Қашқадарё заминига мос ғалла уруқчилигини йўлга қўйиш муҳимлигига эътиборни қаратди. Вилоятда ҳалига қадар истиқболли навлар захираси яратилиб, уни кенг миқёсда экиш ташкил этилмаган. Бу борада ан-

дихонликларнинг тажрибасини ўрганиш зарур. Уруғни тўғри танлаш, агротехника пухта ишлаб чиқилгани сабабли Андихон вилоятида 80 центнергача ҳосил олинмоқда. Қашқадарёдаги айрим сугориладиган майдонлардан олинаётган ҳосил эса 30 центнердан ошмаяпти.

Президентимиз Қамаш туманидаги "Чим" ва Яккабоғ туманидаги Жуман Мухлиев жамоа хўжаликлари пахта далаларида бўлиб, қийгос гуллаб, қўсақ туга бошлаган ғўзаларни кўздан кечирди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари сувдан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишлаб яқинда республика семинари ўтказилган хўжаликдаги сув ўлчагич моламаларини бориб кўрди. Ўртбошимиз деҳқон сувдан тежамкорлик билан фойдаланса ундан ўзига қандай иқтисодий наф етишини тушуниб олиши муҳимлигини таъкидлади. Муҳими, моддий манфаатдорликни оширишдан иборат. Одамлар меҳнатига яраша рағбатлантирилса, уларнинг тепасида туриб кўрсатма беришга ҳоҳат қолмайди.

Ўртбошимиз Қамаш туман Амин Умарий номидаги ўрта мактаб ҳамда педагогика-иқтисодий касб-хўнар коллежида бўлиб, мазкур билим даргоҳларининг замонавий биноларини кўздан кечирди. Шундай чиройли бинолар қуриб, уларга замонавий жиҳозлар ўрнатиб, атиги беш-олтита касбга ўқитиш узоқни кўра билмасликдир, деди Ислол Каримов. Дунё давлатлари бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратаётир. Бизроқ турли-туман касб эгаларини тайёрлашдан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мумкин эмас.

Ўртбошимизнинг коллеждаги бошланғич таълим муассасаларига тарбиячилар

тайёрлаш гуруҳи ўқувчи қизлари билан учрашуви айниқса самимий бўлди. Сизларнинг ҳаммангиз асл инсонлар бўлиб етишингизга ишонгим келади, деди Президентимиз. Биз, ўзбеклар мен кўрганларни болаларим кўрмасин, деймиз. Ота-оналар бу ўринда ўзлари кўрган қийинчиликларни назарда тутадилар, албатта. Мен Сизларга қийинчиликлар кўрманглар, демайман. Кўринглар, фақат бу қийинчиликлар касб ўрганиш, чин инсон бўлиш йўлидаги ёруғ ва хайрли қийинчиликлар бўлсин. Менинг бирдан-бир буюк орзум - сиздай йигит-қизларимизнинг ривожланган давлатлардаги тенгқурларидан ҳам фаровонроқ, тўқисроқ яшашига эришишдир.

Сафар сўнггида Президентимиз вилоятдаги мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири - моддий манфаатдорликни йўлга қўйилмаганида эканини айтиб, деҳқонга топширган ҳосили учун ўз вақтида ҳақини бериш зарурлигини таъкидлади. Раҳбарлар деҳқонларнинг кўзига тик қарай олиши учун деҳқоннинг ҳақи ўз вақтида тўланиши лозим.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигидаги вазиятни таҳлил этиб, уч масалага асосий эътиборини қаратди. Биринчиси - сафарбарлик. Комбайнларнинг бир соат ҳам тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Иккинчиси - уюшқоқлик. Ҳосилни йиғиб олишда, дала-омбор тизимида узилишга йўл қўймаслик лозим. Учинчиси - тежамкорлик. Етиштирилган ҳосилни бир мисқоли ҳам но-бу бўлмасин.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарёдаги учрашувлари самимий мулоқотларга бой бўлди.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»

## Ҳуқуқий дарсхона

# БИЗДА САВОЛ БОР...

«Бордию, хонадонда ота ҳам, она ҳам оғир хасталикка чалинса, уларнинг вояга етмаган фарзандларига таъминот бериш қимнинг зиммасига юклатилади? Ёхуд кекса чолу кампир қаровсиз қолса, уларни моддий жиҳатдан таъминлаш қимнинг вазифаси саналади? Ушбу саволларга газетангиз орқали жавоб олишни истар эдик.»

**ФОЗИЛОВ Бахтиёр,**

**ФОЗИЛОВА Лайло,**

**Самарқанд вилоятининг**

**Мирзокангли қишлоғидан.**

Саволларингизга Оила кодексининг 123-ва 124-моддалари орқали жавоб беришимиз мумкин. Кодекснинг 123-моддасида: «Ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига таъминот бериш мажбурийати етарли маблағларга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурийат бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин», дейилган. Худди шунингдек 124-моддада: «Уларнинг вояга етган болаларидан ёхуд хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурийати етарли маблағга эга бўлган вояга етган меҳнатга лаёқатли неваралар зиммасига юклатилиши мумкин»лиги эътироф этилган.

Г. ЖАМИЛОВА

# БУГУНГИ ЁШЛАРДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

**Биз яқинда Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш институтининг бир гуруҳ ўқитувчилари билан учрашиб, бир неча савол билан мувожабат қилдик.**

**Абдулатиф АБДУҒАНИЕВ,** агроиқтисод ва бизнес кафедрасининг профессори, иқтисод фанлари доктори.

**Оилада иқтисодиёт устун бўлиши керакми ёки сиёсат?**

- Аввал иқтисод, кейин сиёсат деган ибора бор халқимизда. Оилада ҳам худди шундай. Қачонки оила бошлиғи ўз оиласининг иқтисодини бекамму кўст қилиб таъминласа унинг айтгани айтган, сиёсати ҳам кучли бўлади. Агарда шу ифодани кенгроқ тушуномқчи бўлсангиз, давлатимиз олиб бораётган сиёсатга назар ташланг. Ўртбошимиз ҳар бир фуқарога ўз иқтисодиётини тиклаб олиш учун катта имкониятлар яратиб бермоқдаки, буни фақат қадрига етмок керак. Ҳатто олий ўқув юртларида ҳам шу имкониятларга йўналтириш бўлимлар очилган. Мисол учун, бизнинг олий-

гоҳда менежмент ва бизнес кафедралари, агроиқтисодиёт факультетлари ташкил этилган бўлиб, уларда малакали кадрлар тайёрланмоқда.

**Хусан ТОШМАТОВ,** менежмент кафедраси муdiri, иқтисод фанлари номзоди.

**Хозирги кунда ҳар томонлама иқтисодий - ҳам ўзига, ҳам давлатга фойдаси тегадиган соҳа қанақа бўлиши керак?**

- Менежментлик деган бўлардим. Чунки, бу соҳани кимки танласа жамиятга, оиласига кўпроқ фойдаси тегади. Хозирги айни ўтиш даврида биз талабаларга бозорнинг қонун-қоидалари ва менежментликдан ташқари мен жамиятга нима бера олдим, халқимендан нима наф кўрди, деган иборани кўпроқ таъкидлаб, сингдириб борамиз. Инсон қачонки инсон бойиса давлат ҳам бойийди. Шунинг учун ҳам биз талабаларга кўпроқ бизнес, менежментлик орқасидан бойиш йўл-йўриқларини ўргатиб борамиз.

**Жуманиёз РАМАТОВ,** маърифат ва маънавият маркази директори, фалсафа фанлари

доктори.  
**Олийгоҳда маърифат ва маънавият ишлари қандай йўлга қўйилган?**

- Президентимиз Ислол Каримов: «Қаерда маънавий бўшлиқ бўлса, ўша ерда ёт ва зарарли мафкура ўрнашиб олади», деган иборани кўп бор айтадилар. Бизнинг олийгоҳимиз талабаларининг онгида бундай бўшлиқ пайдо бўлмаслиги учун марказимиз ходимлари туну-кун изланади. Ҳар бир маърузамизда давлатимиз олиб бораётган оқилона сиёсатни ва миллий мафкурамизнинг мазмун-моҳиятини обдон тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Талабаларимизни ёт мафкура ёки ҳар хил бузғунчи диний оқимларга аралашиб қолмасликлари учун но-тўғри йўлни тарғиб қилаётган оқимларнинг мақсадлари-ю, ниятларини очиб ташламоқдамиз. Президентимиз айтганидек, инсонни ҳалокатга етакловчи



нарсаси - ўзи билмаган мафкурага кўр-кўрона эргашиш ва сигинишдир. Биз ўз талабаларимизни ҳар доим ана шундай ҳалокатдан сақлаб қолишга бел боғлаб ишлаб келмоқдамиз.

**Аҳрор АЗЛАРОВ,** агроиқтисодиёт ва менежмент факультети декани, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Хозирги замон талабасининг ўзига хос жиҳатлари борми?**

- Бор. Факультетда 800 дан ортиқ талаба таълим олади. Шунинг ярмидан кўпи хозирги кунда сиз билан бемалол инглиз тилида суҳбатлаша олади. Уларнинг 135 нафари аъло баҳорларда ўқийди. Битта Президент стипендиатимиз бор.

Биз ўқитувчилар талабчан бўлганимиз билан бир қаторда талабаларнинг ўзлари ҳам

қизиқувчан ва изланувчан. Заковатли ёшларни хозир қойил қолдириш қийин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз кўпроқ улар учун иқтисодиётнинг ва бизнес оламининг очилмаган қирраларини кашф этишларига туртки берамиз. Факультет талабалари бадий ҳаваскорлик соҳасида ҳам ўзларини кўрсатиб келмоқдалар. Яқинда олийгоҳда ўтказилган бадий ҳаваскорлик кўрик-танловида биринчи ўринни олди.

Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш институтидидаги учрашувдан қайтар эканимиз, бугунги ёшлардан, уларга берилган иқтисодий таълимдан қўнглимиз тўлди.

**Миробид МИРСОДИҚОВ**

Суратлар муаллифи: **Одил НУРМАМАТОВ**





- Сафияхон, кўшиқ сиз учун нима - кўнгилинг дардларини тўкадиган юпанчми, севимли машғулоти ёки тақдирми?  
- Кўшиқ мен учун тақдир десам кибр бўлмасмикан деб кўрқаман.

биатан тортинчоқроқман, серзавк давралардан кўра оилам, фарзандларим бағрида бўлишни кўпроқ яхши кўраман. Мустақилликнинг беш йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон - Ватаним маним" Рес-

мехнат, соф пешона тери билан бизни тарбия қилишган. Ақлимни таниб-танимай мен ҳам катталар ёнига кирганман. Мактабда ҳам барчамиз яхши ўқирдик. Уйинқароклик, эркалик қилишга вақт бўлмаган. Сал бўш қолдим дегунча ё аямга қарашардим, ёки китоб ўқирдим. Ҳозир ҳам энг яқин ҳамроҳим кўшиқ ва китоб.

Турмуш ўртоғимнинг санъатни тушунишлари, ўзларининг яхшигина созанда эканликлари менинг бахтимдир. Биз турмуш қурганимизга қадар ўн йил дўст бўлганмиз, турли дасталарда бирга ишлаганмиз. Бир-биримизни роса синаганмиз. Шунинг учунми у киши мени жуда тез тушунадилар. Худога шукр фарзандларим ҳам катта бўлиб қолишди. Севара бу йил мактабга чиқади. Камолитдин уйда, бувисининг бағрида. Юқорида серфарзанд оилада ўсганлигим ҳақида гапиргандим. Биз жуда аҳилмиз. Концертлар, гастроллар кўпайиб кетганида

# ВАТАН ЯГОНАДИР - ВАТАН БИТТАДИР...

Хушовоз хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сафия САФТАРОВА билан суҳбат.

Лекин кўнгилинг юпанчи ёки шунчаки машғулоти эмаслиги аниқ. Ростини айтсам, кўшиқ айтиш тақдир бўлишини орзу қиламан.

- Ҳар бир кўшиқчининг асосий мақсади, аввало, санъатнинг улкан оламида кичкинагина бўлса-да, ўзига хос "кутбча" очиб бўлса керак. Лекин унга эришиш ҳаммага насиб қилармикан?

- Бу жуда мураккаб жараён, Хулкар опа. "Кутбча" эмас ўзимизга яраша бир қатим ипдеккина из қолдиришнинг ўзи улкан бахт-ку. Мен ҳали орзу қилишга улгурмасимдан катта санъатга кириб қолганман, Республика "Санъат гунчалари" танловида иштирок этиб, муваффақиятга эришганимда эндигина 2-синфда ўқиётган 8 ёшли кизалоқ эдим. Энг қизик томони мен доимо катталарнинг кўшигини айтар эдим.

"Бу ҳали кичкина қизча-ку, ўзига яраша болаларбоп кўшиқ айтсин" деган фикр ҳеч кимнинг ақлига келмабди. Шунданми илк кўшиқларимданок ўзимни доимо жиддий тутганман. Бу тўғрими, ёки нотўғри бўлганими ҳалигача тушуна олмайман. Фақат, санъат мени жуда тез улғайтирганлигини, унинг ўзига хос синовларини анча эрта англаганимни биламан. Лекин ҳалигача саҳнага чиққанимда ҳаяжонланаман, ўзимни қайта-қайта тергайвераман. Дадамнинг маслаҳатлари билан улғу мутафаккир Аҳмад Ясавий хикматларига куй басталаб айтганимда ҳали турмушга чиқмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган ёшгина қиз эдим. Шу-шу бўлди-ю, ҳатто ўзим хоҳлаган тақдиримда ҳам енгил-елги кўшиқ айтмайди деган бўлдим. Мени кўпроқ жиддий, фалсафий шеърлар ўзига тортади. Мен айтидиган кўшиқда ички кечинмалар - чуқур дард бўлиши шарт.

- Сафияхон, сизнинг ижодингизда Ватанга садоқат, ота-она, фарзанд меҳри мавзулари етакчилик қилиши барча муҳлисларингизни қувонтиради.

- Ҳақиқатан ҳам Ватан, ота-она, фарзандга муҳаббат мавзулари менинг руҳимга жуда яқин. Чунки та-

публика танловида иштирок этганлигим менинг ижодимда катта бурилиш ясаган.

- Ўша танловда сиз муваффақиятга эришганингиз.

- Ишонасизми Хулкар опа, муваффақиятга босиб ўтилган бир неча дақиқа менга бутун бошли тақдир бўлиб туюлганди. Саҳнага чиқаётиб қоқилиб кетдим. Ёнимдагилар зўрга ушлаб қолишди. Жуда қаттиқ кўрқдим, ахир кўрқмай бўладими, ўшанда ҳомилдорликнинг сўнги оийи эди...

Кўшиқ айтаяпман-у, нимагадир йиғлагим келаверди. Танловда истеъдодли шоира Хосият Бобомуродова сўзи билан мен куйлаган "Ватан ягонадир" кўшиғи фахрли ўрин эгаллади, орадан 20 кун ўтиб ўғлим туғилди. Кутлуғ қадам чақалоқни Камолитдин деб атаганмиз. Ҳозир у беш ёшда.

- Сизнинг репертуарингизда эронча, тожикча, туркча кўшиқлар ҳам начагина...

- Очирок айтадиган бўлсам, мен бу кўшиқларни танилиш учун эмас, балки ўзим шу тилларни билганим учун куйлайман. Эронча, туркча худди ўзбекча кўшиқлар сингари менинг руҳимга яқин. Шу ўринда ўзимнинг бир мулоҳазамни айтмоқчи эдим, кейинги пайтда маъносини англаб-англамай шарқ халқлари тилларида кўшиқлар айтиш, ёки уларнинг мусиқасини ўзлаштириш жуда урф бўлди. Бу миллий эстрадамиздаги энг салбий кўринишлардан бири деб биламан. Санъаткорни ўзи тушунмаган тилда кўшиқ айтиш эмас, балки ҳақиқий овоз танитади.

- Сафияхон, менинг назаримда санъаткор ўзига ишончми, таянчми аввало оиласидан, яқинларидан олса керак. Сизни халқимиз нафақат хушовоз хонанда, балки камтарин инсон сифатида эъзозлайди...

- Агар мени ростдан ҳам шунақа яхши кўришса, жудаям хурсандман. Минг раҳмат! Биз оилада ўн фарзандмиз. Дадам раҳматлик умр бўйи заводда ишлаганлар, аяжон фарзанд тарбияси билан бирга уйда новвойлик қилганлар. Ҳалол

опа-сингилларим, ака-укаларимнинг ёрдами, далдаси жуда асқотди.

- Сафияхон, сиз кўпнинг самимий меҳрини қозонган, армони йўқ, бахтиёр аёلسиз...

- Унақа эмас, Хулкар опа. Армонсиз одамнинг ўзи йўқ бўлса керак. Дадам раҳматли уруш қатнашчиси, жуда кўп қийинчиликлар кўрган, ниҳоятда хокисор, одамохун эдилар. Ҳеч қандай мусиқий илмлари бўлмас-да, скрипкани маҳорат билан чалардилар. Менинг санъатга ошнолигим, кўшиқ айтишимни жону диллари билан яхши кўрардилар. Ўн ёшга тўлганимда катта оиланинг насибасидан қирқиб, бироз қийналсаларда менга пианино олиб бергандилар. Ўзлари ҳавас билан мусиқа мактабида ўқитдилар. Ҳатто шўх кўшиқларимни ҳам йиғлаб эшитардилар. Катта саҳнадаги кичкина ютуқларимдан мендан кўпроқ қувонардилар. Афсуски, ўзлари орзу қилганлари, эртаю кеч дуоларида сўраганлари - менинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олганимни кўра олмадилар. Энг катта армоним шу.

- Аънамага кўра режаларингиз ҳақида...

- Олдиндан нималарнидир айтиб мақтанишни ёмон кўраман. Қўлимдан келганича изланяпман, ижод қиляпман. А.Кўчимов, Ш.Салимова, Х. Бобомуродова, О. Ҳожиёва шеърларига куй басталаб, янги кўшиқлар яратганман. Келажакдаги ниятларимдан бири Хуршид Даврон ва Фахриёрнинг фалсафий шеърларини кўшиққа тушириш.

16 июн куни Тошкент шаҳар ИИББ ва "ФАТХ" масъулияти чекланган жамияти (раиси Файрат Ниёзалиев) раҳбарияти ҳомийлигида "Халқлар дўстлиги" саройида «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб катта концерт ўтказмоқчимиз. Фурсатдан фойдаланиб «Оила ва жамият» газетасининг барча муҳлисларини шу концертга таклиф қиламан.

Хулкар ҲАМРОЕВА,  
Хуршида ҚАМБАРОВА

Хотира - муқаддас

## БЕҲИШТДАГИ ХУР ҚУШИМСИЗ

Онажоним Ибодатхон ая  
Бегматовани ёдлаб

Эҳ, ойижоним дунёнинг бутун шодликларини ўзи билан олиб кетгандек, гўё. Эҳ, менинг беозор ойижоним. Ўзи емай едирарди, ўзи киймай кийдирарди. Болам дебон қайғурарди. Эҳ, юраги кенг, бағри осмон ойижоним! Бу дунё тургунча турсангиз бўлмасмиди, фарзандларингиз бахтини кўрсангиз бўлмасмиди, кенг кўчаларда юрсангиз бўлмасмиди, кенжа қизингизни, ёлғизгина ўғлингизни тўйларини кўрсангиз бўлмасмиди, ойижоним. Умрингизни она ерга меҳр қўйиб ўтказдингиз. Ҳеч ҳам ўзи учун яшамаган ойижоним. Ишим, уйим-жойим деган, уйда аёл, кўчада эркак бўлган ойижоним. Бу эркакни иши демасдингиз, баъзи аёллардай мени ишлаб келдим демасдингиз. Ширин-ширин овқат пишириб, бўрсилдоқ нонлар ёлиб, 4 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб қайнона-қайнота хизмати-ни бекаму кўст адо этиб, турмуш ўртоғини кўнглига йўл топиб қанча-қанча таниш, ёр биродар, дўст-дугона орттирган ойижоним.

Онажоним сиз жаҳоним,  
Бошимдаги офтобимсиз.  
Йўлларимга нурлар сочган,  
Сиз бегубор осмонимсиз.  
Тақдир азал айирди-ку,  
Йўллар айро тушди бешак.  
Тўймай қолдик меҳрингизга,  
Бундай дунё кимга керак.  
Кўз ўнгимда кулгичингиз,  
Ширин-ширин кулшингиз.  
Кела қолган болам дебон,  
Кучоқ очиб юришингиз.  
Таърифингиз ёзай десам,  
Тилим лолу, дилим ҳайрон.  
Сўз етмайди таърифлашга,  
Қалам ожиз, қалбим вайрон.  
Беҳиштдаги хур қушимсиз,  
Жаннатдаги гуллойим.  
Бағрингизга босинг бир бор,  
Қалбларингиз муллоим.  
Тушларимга қиринг энди,  
Ширин хаёл бўлинг энди.  
Суратларда сиз жилмайиб,  
Бизга боқиб таърифлашга,  
Онажоним таърифингиз,  
Ёзсам ажиб дoston бўлур.  
Хотирангиз ёдга тушса,  
Ўқисик дилим вайрон бўлур.  
Мурғал қалбим айриликча,  
Беролмайин қолди дошлар.  
Изларингиз тополмасдан,  
Кўзларимдан оқди ёшлар.  
Жаннатларда юринг қулиб,  
Сиз кўрмаган бахтимизни,  
Отажоним кўрсин энди.

Дилдора Бону БЕГМАТОВА  
Андижон вилояти,  
Избоскан тумани

Миннатдорчилик

## ДАМ ОЛУВЧИЛАР МАМНУН

"Бухоротекс" хиссадорлик жамияти сиҳатгоҳи шифокор ва ҳамширалари ибратли хизмат кўрсатиб, дам олувчилар кўнглини хушнуд этмоқда.

Қилинадиган ҳар бир муолажа, дам олувчиларни дардига қараб бериладиган маслаҳат, йўл-йўриқлар жамоа аҳли ҳамкорлигида бажарилади. Бунда ҳамшира Лилия Ражабова ширинсўзлиги, хизматга тайёр туриши билан ажрალიб туради. Иш фаолиятига 26 йил тўлиб нафақага чиқиб даври яқинлашган бўлса-да, Лилия опа ҳали бардам. У тушликдан олдин фитобарда до-ривор ўсимликлар шарбатини тарқатса, овқатлангандан сўнг муолажаларни бажаради.

Сиҳатгоҳ жамоаси ва унинг Лилия опа каби ходимлари меҳнат аҳлини соғломлаштириш ва даволаш ишларини юксак савияда ташкил этиб иззат ва хурматга сазовор бўлмоқдалар.

Бухоро шаҳри

С. ҚУРБОНОВ

- Оиламизнинг бузилганига ҳеч ҳам ишонгим келмайди. Ҳамма ҳавас қилгудек муҳаббат билан қурилган чиройли оилам бор эди-я, опажон... Ҳаммаси худди тушга ўхшайди. Айниқса жондан азис ширин-шакар болаларимга ачинаман,- деди олис Хоразм воҳасининг Урганч шаҳридан келиб мен билан суҳбатлашаётган Отаназар исмли йигит.

**Ташрифларингиздан бири**

койган бўлдим. Шунда у: "Мен истаган пайтимда келаман", деб қўлоқ жавоб берди. Индамадим. Бироқ бу ҳол бир неча марта такрорланди.

- Аёлингизнинг ўзи билан аста гаплашиш керак эди-да, назаримда. Балки сиздан ҳам бир хатолик ўтгандир?..

- Э, йўқ, унинг эътирози бунга сабаб бўлолмайди-да...

- Хўп, қандай эътироз экан, агар сир бўлмаса?

- Опа, мен Маданият институтини битирганман. Маданият уйида ишлаш билан бир қаторда тўйларга ҳам бориб тураман, ўз дастамизда. Ахир бунинг нимаси айб? Ҳамқишлоқларимиз яхши ният билан ўғил-қизларининг тўйларини ўтказишга

чишим керак? Ахир тўйда йиғилган пулларни хотинимга келтириб берсам, рўзгорим бут бўлсин деб ҳаракат қилсам... Бунинг нимаси ёмон?

- Лекин шуни Лобарга ётиги билан тушунтира олмагандирсиз-да...

- Очигини айтсам, оиламдаги машмашалар ўйлашлар учун қутилмаган воқеа бўлди.

- Оилангиз билан ярашишга яна бир уриниб кўринг, Лобарга яхшилаб тушунтиринг...

- Хотиним кўнаса албатта ярашардим. Лекин... Унга тушунтира олармиканман...

- Нимани хотинингиз тушунмаслиги мумкин?

- Ахир қандай қилиб ўз севган касбимни юрагимдан чиқариб ташлай оламан? Ахир ўз санъатининг халққа манзур қила олиш ҳам осон иш эмас-ку? Мен хотинимнинг худди ана шуни тушунишини жуда истардим.

- Ҳовва! Иккимиз Тошкентдаги олийгоҳларда ўқирдик. Талабаларнинг олтин даврларини бирга ўтказганмиз. Жуда бахтиёр эдик. Ўқшларимиз битгандан кейин эса тўйимиз бўлди. Фарзандларимиз туғилди. Кейинчалик ўзимиз алоҳида уй қурдик. Маҳалламизда ўзи

**БИР-БИРИМИЗНИ ТУШУНА ОЛСАК...**

мизга яраша обрў-эътиборга эга бўлдик. Айниқса мен хурсанд эдим. Чунки мактабни битираётганимда ўз олдимга қўйган мақсадларимнинг дярли барчасига эришгандим. Фарзандларимни яхши инсонлар қилиб тарбиялаш орзусида яшаётгандим.

- Оилангизнинг бузилиб кетишига нимадир сабаб бўлгандир ахир?



- Рафиқам фарзандларим билан бир неча йил уйда ўтирганидан кейин ўтган йили ишга кираман деб қолди. Йўқ демадим. Ҳар ҳолда шунча йил институтда ўқиган-ку, деб ўйладим. Кейин бир оғайнимнинг фирмасига иқтисодчи-ҳисобчи қилиб ишга киргизиб қўйдим. Аввалига анча яхши ишлаб юрди. Фирма эмасми, очигини айтишим керакики у мендан уч-тўрт баравар кўпроқ маош оларди. Мен эса Маданият уйида ишлардим.

- Яъни, у бирданига эмас, кейинчалик ўзгарибди-да... Бу ўзгаришини нималарга сездингиз?

- Асли хотиним жуда чиройли, ораста. Лекин... Бир куни тасодифан ишдан вақтли келсам хотиним уйда йўқ. Ўғлим эса онаси йўқлиги сабабли уқасига қараб мактабга бора олмай ўтирибди. "Онаг қани?" деган саволимга: "Кетди", дед жавоб берди. Шу куни мен ишдан келсам ҳалиям у уйга келмабди. Кейин анча кеч келди. Озрок

бизни таклиф қилишади. Бориб чиройли қилиб ўтказиб берамиз.

- Оилангиз иқтисодий яхши таъминланган,шундайми?

- Ҳовва, опажон!

- Ҳамма гап шундаки, бизнинг дастамизда бир-иккита ўйинчи қизлар бор. Хотиним шулардан мени қизганимиз "тўйга бормаисиз", деб туриб олди.

- Демак, оилангизга рашк аралашган...

- Ҳа, рашк қилишдан ташқари хотиним менинг тўйларда қўшиқ айтишимдан ҳам ор қилармиш...

- Ундай бўлса оилангизни сақлаш учун, хотинингизнинг кўнглини тинчитиш учун тўйга бормасангиз бўлмасмикан?..

- Мактабни эмас-у, опажон, менинг яхши, ширали овозим бор. Кейин санъат мен учун шунчаки ҳавас эмас, ҳаётимнинг мазмуни. Жону дилим қўшиқ. Наҳотки хотинимнинг рашки учун шулардан ке-

Мендан маслаҳат сўраб турган йигитга қарарканман кўз олдимга унинг хотини Лобар келди. Унга қарата шундай дегим келди:

Синглим Лобархон! Ҳар бир инсоннинг уни бу дунёга боғлаб турувчи кўнгли чиройи бўлади. Кўнгли чиройи инсоннинг вужуди-руҳини, умр йўлини равшан этиб туради. Назаримда Отаназарнинг кўнгли чиройи унинг санъати, қўшиғи... Нега энди Отаназарнинг тўйларда қўшиқ айтиши сизга ёқмайди? Ахир нозиктаб-ли халқимизга ҳар кимнинг қўшиғи ҳам ёқармайди-ку. Эрингизнинг санъатдаги йўлига тўғаноқ бўлиш ўрнига уни қўллаб-қувватлашингиз, у билан фахрланишингиз керак. Ахир бу дунёда ҳар кимга ҳам ўзи танлаган касб орқасидан топилган нони ширин-да. Азиз Лобархон синглим, эрингиз билан бир узукка кўз қўйгандек мос экансиз. Утаётган ғанимат ёшлигингизни бир-бирингизни тушуниб, бахтли-тахтли яшаб ўтказсангиз қандай яхши!

БАСИРА

**БАХТСИЗ БИР ТАСОДИФ ТУФАЙЛИ**

- Сиз билан нозик бир масала юзасидан маслаҳатлашмоқчи эдим,- деди кўнғироқ қилган аёл саломалиқдан сўнг. - Бу гапни на бирор яқиним билан, на уйимдагилар билан маслаҳатлаша олмаман...

- Бош устига, опажон,- дедим унинг нимадандир хавотирланаётганини сезиб. - Қулоғим сизда.

- Тўнғич фарзандим қиз. Ҳамма ишни удаллайди, саранжом-сарийоталикка. Хусни ҳам ойдеккина. Аммо... Бахтсиз тасодиф туфайли болалигида бир оёғи куйиб озгина изи қолган. Шу бахтсиз тасодиф бир кун келиб мени шу қаражада ўйлантиришини билмаган эканман,-суҳбатдошимнинг овози бўғилиб, сўнг йеги аралаш гапида давом этди.-Қизим вояга етгач, бирин-кетин эшигимни совчилар тақиллата бошлади. Тунов куни бир аёл совчи бўлиб келди. Уларни яхши қутиб олдим. Ташрифидан мудоасини гапираркан: "Эгачи, ўғлим ойдеккина. Унга кўп жойлардан қиз суриштириб юрибмиз. Бироқ муносиби топилмапти. Утган сафар Салтанатхон исмли бир аёлниқига совчиликка борувдик. Не ҳасратда умид билан эшик қўқдик. Ҳар гал негадир пайсалга солаверди. Учинчи гал борганимизда, аёл қизининг болалигида куйиб қолганини, баданининг бир озгина жойида куйикнинг асорати қолганини айтди. Қаранг, қизининг айби бор экан, биринчи борганимиздаёқ айтиб қўявермайдими? Шартми бизларни уч марта

**Кўнғироқларингиздан бири**

овора қилиш? Нега энди менинг ўғлим айби бор қизга уйланаркан? Тўрт мучаси бут бўлса",-деди совчи аёл.

Совчи аёлнинг гапини эшитдим, бошимдан худди биров бир челақ муздек сувни куйиб юборгандек бўлди. Совчиларни қандай қилиб кузатганимни билмаман. Кеча яна ўртадаги аёл орқали совчиликка келмоқчи эканлиқларини билдирибди. Уша кундан буён ўт ичида қолгандек сезаман ўзимни. Уларга бор гапни айтмайми, дейман. Яна: "Қиз бор уйга шох ҳам келади, гадо ҳам. Наҳотки бир аёлнинг гапи учун қизим маҳалла-қўй орасида "айби бор" одамга айланса. Кейинги тақдирини нима бўлади?,- дейман. Хуллас, бошим қотиб қолди...

- Балки ўртадаги одам орқали совчи аёлга бор гапни айтиш лозимдир?- дейман унга.

- Йўқ, бўлмайди. Бир томондан бу гап айлиноқ қизимнинг қулоғига етса нима бўлади. Қизим асли шу тўфайли сиқилиб юради, тагин ўзини-ўзи бир бало қилиб қўйса-чи, деб қўрқаман.

- Ҳозир совчилардан қизингизнинг айбини яширсангиз, эрта бир кун арзимаган гап катталашиб кетмасмикан?

- Қизимнинг айбини яширмоқчи эмасман. Фақат бўлажак қувв олдиға бориб, ётиғи билан тушунтирмоқчиман.

- Кувв келиб онасига бу гапни айтмайди, деб ўйлаясиз шекилли...

Суҳбатдошимга берилган саволдан сўнг орага жимлик чўкди. Сўнг у:

- Йўқ,-деди ва йиғлаб юборди. - Оғиз солган кишиларнинг оиласи жуда яхши. Болам бечорага наҳот бахтли тақдир насиб қилмаётган бўлса... - онаизорнинг фарзанд тақдирига куйиниб йиғлашидан кўнглим ушибди.

Мен аёлга маҳалламизда яшовчи Сарви опа тақдирини ҳақида сўзлаб бердим. Сарви опа ҳам болалигида сандалга тушиб кетган, бир оёғи куйиб, эт бир жойга йиғилиб қолганди.

Йиллар ўтиб, қизалоқ улғайди. Оқ-қорани таниди. Гуддек ҳунар эгаллади. Ҳўшумомалалиги, меҳнатсеварлиги туфайли уни ҳамма чин дилдан ҳурмат қиларди. Кўп ўтмай, унга ҳам у ер-бу ердан совчилар оғиз сола бошлади. Қизиги шундаки, унинг қўлини сўраган йигитларнинг ҳаммаси тўрт мучаси соғлом йигитлар эди. Ота-она йиманибми, уларнинг кўпчилигига рад жавобини беришди. Аммо, совчиликка келган йигитлардан бири - Бахтиёрнинг ота-онаси: «Биз ҳеч қачон қизингизнинг айбини юзга солмаيمиз. Қолаверса, ўғлимнинг ўзи ҳам уйлансам фақат шунга уйланаман, деб турибди. Келинг, айланай, ёшларнинг бахтига тўқсизлик қилмайлик»,-деб сира қўйишмабди.

Орадан кўп ўтмай, икки ёшнинг бахтли никоҳ оқшоми бўлиб ўтди.

Бугунги кунда эса Сарви опанинг бир ўғил, бир қизи бор. Қайнота-қайнона, овсини қайнуқалар билан тинч-тотув яшайди. Кўпчилик уларнинг оиласига ошқора ҳавас билан қарайди.

- Сиз ҳам бунчалар куйинаверманг. Яратгандан қизингизнинг бахти, ой тахтли бўлиб юришини тиллаб,-дедим суҳбатимиз сўнггида аёлга.

Мени эса юртдошларимга қарата шундай дегим келди: Азизлар, бировнинг фарзандини айбли қилишдан олдин озгина мушоҳада қилайлик, ўшаларга тегадиган пичоқнинг зарбини аввало ўз танамизда синая қурайлик. Токи, ўйламай айтилган бир оғиз сўз оғриги кўнгилларни вайрон қилмасин...

Фарида ТОХИРОВА

**МАКТУБИНГИЗНИ ЎҚИДИК**

Самарқанд вилоят, Нарпай туман, Бобур номли жамоа ҳўжалиги Кўк ота кишлоғи, Умрзоқжон Рустамовга.

Қадрли Умрзоқжон, 4-синфда ўқиркансиз, ҳали ниҳоятда ёш бўлишингизга қарамай ҳаётингизни қийин савдо-синаотлари бошингизга тушибди... "Мен оилада фарзандларнинг каттасиман,- деб ёзибсиз. - Тагин учта ука-сингилларим бор. Отам оғир беморликдан сўнг вафот этди. Рўзгоринг бутун оғирлиги онагизим зиммасига тушди. Онагизимга ниҳоятда қийин. Эндигина 37 ёшга кирган. Мен онамга рўзгор ишларида ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Лекин баъзида ука-сингилларим дадажонимизни соғиниб йиғлашади. Айниқса амакиларим ишдан кел-

ганда фарзандлари "дадажон" деб кучоқ очиб қаршиллаганида укасингилларим мунғайиб қолишади. Мен ҳам шу лаҳзаларда дадажонимиз нега бунчалар бизни эрта ташлаб кетганларига чидалмай кетаман.

Эй азиз инсонлар, менга кулоқ тинглар, онагизини, отангизни ҳурмат қилинлар. Ҳеч ким бизлардек отасиз қолмасин. Сағир номини олмасин. Дадажоним ҳаёт бўлганида эди, ҳеч қачон қўлини совуқ сувга урдирмас эдим. Мен энди онагизимни авайлайман. Бир гапини икки қилмайман, айтган ишларини бажараман, азоб бермайман. Менга маслаҳат берувчилар, мен билан танишмоқчи бўлган юртдошларим бўлишса хат ёзишсин..."

Қадрли Умрзоқжон! Мактубингиз-

дан маълум - ақлли, мулоҳазали, меҳр-оқибатли бола экансиз. Ёш бўлишингизга қарамай, яхшилик ва ёмонлиқни фарқлай оласиз. Бугун ва эртангизни аниқ тасаввур эта оласиз... Ана шундай нозик фаҳм-фаросатли бўлиб ўсаётганингизнинг ўзи мушфиқ онагиз учун бахт-саодат эмасми? Ўзингизнинг яхши ўқшингиз, рўзгорга қўрсатаётган ёрдамингиз билан онагиз дардларига малҳам бўлаверинг. Катта ҳаёт олдинда сизни қутиб турибди. Унда ўзингизнинг муносиб ўринингизни топишингиз, онажонингиз орзу-ҳавасларини амалга оширишингиз учун сизга куч-гайрат, ишонч ва эътиқод ёр бўлиб қолишини тилаймиз.

М. ҚАРИМОВА

Муҳаббат, агар у ҳақиқий бўлса буюклиги шу қадарки уни ҳеч бир куч тўхтаётмас ва у ҳусн ҳам, ёш ҳам, ҳаттоки бойлик ҳам сўрамайди.

Мен ҳам тасодифан бир йигитни севиб қолганман. Авваллари шу йигитга эътибор қилмаган эканман. Фақат бир-икки марта дугонам: "Бунча чиройли экан, шундай йигитинг бўлса", - деганида кулиб қўярдим. Унинг исми Тоҳир. Тижорат дўконидан савдо қилади. Бир куни дугонам қўймай Тоҳирни дўконига олиб борди ва у билан танишиб олмақчи бўлди (Тоҳир дугонамга ёқарди). Тоҳир эса мен билан ҳам танишиш истагани

иложи борича самимий гаплашаман. Менга таниш йигитлар асосан очик кўнгил, виждонли, гурурли йигитлар. Тоҳир сўраганда

ўтишга зор эдим. Чунки унинг ширинсўзлиги ҳар қандай тош қалбни эритмоққа қодир эди.

У ҳозир ҳуснига ва бойлигига ишониб кўп қизлар билан юрибди. Лекин биладики, бир кун келиб бошига иш тушса бу хушторлари қиб боқмайди. Мен эса унинг ўзини, фақат ўзини севардим.

Тоҳир дугонамга: "Зуҳрага айтинг, агар мени бироғини на севса, мени кечирсин. Ким нима деса ҳам барибир севаман", - деб айтириб юборибди.

Мен эса: "Майли, лекин аввал ўзини тутиб олсин. Дайдиларга ўхшаб ҳар ким билан ҳамтовок

**«Қанча ҳаракат қилмайин»—11-сон**

**ЭСЛАТМА:** Дорилфунунда бирга ўқийдиган Р. исмли йигитни ёқтириб қолдим. У эса бу гапни эшитиб устимдан роса кулибди. Лекин мен уни чиндан ҳам севиб қолгандим...

**КАМОЛА**

хаммасиниям таништиришга ҳаракат қилганман.

**БОШИНГИЗНИ БАЛАНД ТУТИНГ**

билдирди. "Фарқи йўқ, Зуҳра", - дея танишмоққа қўл узатдим. У бўлса кулиб: "Энди мен сизни Зуҳра, ҳеч кимга бермайман. Менинг исмим Тоҳир", - деди. Кулишдик. Мен: "Эртақ доим ҳам ҳақиқат бўлавермайди", - дедиму тушлик вақтим тугаётгани учун чиқиб кетдим. Дугонам қолди. Тоҳир дугонамдан мени гаплашиб беришни илтимос қилибди.

Шу кундан Тоҳир менинг изимдан қолмайдиган, тушликка чиққанимда, ишдан қайтаётганимда мен билан гаплашишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. Қайда бўлсам ҳозир у нозир эди. Мен ундан чиройли, бунинг устига ширинзабон бўлгани учун хайиқар, севгимни бир қоронғуликда кўрадирдим. Тоҳир қайта-қайта ишқ изҳор қилар, ишонтирмоқчи бўларди. Учрашувларга таклиф қилиб чарчамасди. Шундай кунларнинг бирида мен унга: "Яхшилаб ўйлаб кўринг, балки ота-онангиз сизга бошқа қизни раво кўришар, бекорга мени ҳам, ўзингизни ҳам қўймангиз. Бу ахир кўнгил иши, умр савдоси", - дедим.

Шунда у: "Э, нима деярсиз. Мен сизда шубҳа уйғотадиган бир нима дедимми? Нега ундай халёлларга бораярсиз. Ўзимга ишонмасан сизга гапирардим", - деди. "Майли, сўзингизда турсангиз бас. Мен сизга бир умр содиқ қоламан", - дедим.

Хуллас, биз бахтиёр эдик. Лекин ногаҳонда бахтимизга кўз тегди. Унинг Одил исмли дўсти: "Зуҳра ёмон қиз, у энгилоёқ. Ишонмасангина синаб кўр. Кўп болалар билан гаплашди. Севгани ҳам ким билади, нечтадир", - дедди. Курсдошларим, қариндошларим, бирга ишлайдиган танишларим орасида албатта йигитлар бор. Мен ҳаммаси билан

У нукул мени: "Тўғрисини айт, бошқасини севаркансану, ким у", дея хуноб қиларди. Муस्ताқиллик

**«Айбим севганимми?»—11-сон**

**ЭСЛАТМА:** Бир йигит билан танишиб қолгандим. Иккимиз учрашиб ҳам тураддик. Мени кимдир унга ёмонлабди. У эса... Наҳотки севган киши шундай сўзларга бирдан ишониб кетса?..

**Тошкентлик синглимиз**

байрами куни ҳам шундай бўлди. Дугонам билан айланиб юриб, курсдошларимни кўриб қолдим. Улардан бири ҳаммамизга - курсдош дугоналаримга ҳам, бизга ҳам музқаймоқ олиб берди. Энди ёмоқчи бўлиб турувдим, унга кўзим тушиб қолди. У ачиққангандек қовоғини уйиб олганди. Ёнимиздан нари кетди. Йулда кетарканмиз яна бир курсдошимни, сал ўтиб яна бирини кўриб қолдим. Илоҳим йўқ, сўрашардим. Чунки улар билан бирга ўқиб, ҳамдард, ҳамфикр бўлганмиз. Хуллас, музқаймоқ заҳар бўлди. Рўпарамда туриб шунақа хўмра-ярдики... Музқаймоқни ташлаб юбордим. У бўлса худди шуни кутиб тургандек ўзини олиб қоча бошладди. Бир пайт қарасам, ярим яланғоч бир қиз билан ўтирибди. Тагин менга қараб "кўрдингми" дегандек тиржайди. Устимдан сув куйгандек бўлди.

Тоҳир ҳар қанча изтироб чекса ҳам, рашк ва шубҳа туфайли мен билан орани узмоқчи бўлди. Нима ҳам қилардим, ҳеч бир далил-исботимга ишонмади, мен ҳам кўз ёшларимни ичимга ютиб, Худого солиб қўйдим. Уни узоқдан бўлса-да бир кўрсам бўлди, деб юрардим, дўкони олдидан

Одинлинг ивгогарлиги, йигит кишига номуносиб ичи қоралиги туфайли севгимизга гумон аралашди.

Хурматли Камолоҳон, сиз сира-сира кўнглингизни чўқтирманг, балки бу ишқ эмас, шунчаки шайдоликдир. Ахир шундай кўпол, ҳеч кимни менсимайдиган йигит сизни, оилани ҳурмат қилармиди. Ўйлайман ва ишонманки, сиз унданда чиройли, ақли, камтар йигитга ёр, бахтдан сархуш, толеённинг кулгандан лол бўласиз.

Тошкентлик дугонам, мен каби ивго ўтида ёнаётган, соф муҳаббатидан ажралоши мумкин бўлган дугонам!

Бошингизни баланд тутинг. Ивголарга бўйин эгманг. Йигитингиз балки баҳона қилаётгандир, балки синаётгандир. Йигитингиз севгисин рост бўлса қалбидаги шубҳаю гумон илонларини ўлдириб хузурингизга ошиқ-гай. Адашган бўлса адашганини, синаб кўрмоқчи бўлса синавдан муваффақиятли ўтганингизни айтар. Агар бу бир баҳона бўлса, ивгогарнинг ҳам, унинг ҳам жазосини Худо берсин. Камолоҳонга ва сизга мана шу мисрларал ширингиз бўлишини тилайман:

**Аламдан қийналиб, туҳматдан ёниб, Душманлар олдига бўлиб қолсан хор. Куйилган томчини кўллари билан Ҳеч кимга кўрсатмай сидириб юбор.**

**ЗУХРА**



**ПРОДАДАН ЯРАЛГАН ИНСОН**

**«Бир қарорга кела олмаяман»—18-сон**

Синглим Дилфузахон! Мактубингизни турмуш ўртоғим билан ўқиб чиқдик.

Дилфузахон, сиз ҳар тарафлама ақлли, ташки чиройингиз қанчалик гўзал бўлса, қалбингиз янада ёғубор қиз экансиз. Юр-тошларимиздан маслаҳат сўраб тўғри иш қилгансиз. Дилфуза ҳеч қачон ўзига инсоннинг бахтига кўз олайтирманг.

С. акангиз ақлли экан-у, лекин унда инсонийлик етишмас экан. Унинг танимаган, билмаган қизга бирданига илтифот кўрсата бошлагани фалати туюлади.

Фарзандли бўлганидан кейин бир инсонни хунук дея хўрлаши қайси диний таълимдан хабардор инсоннинг иши?

Қолаверса С. сизнинг кўнглингизни бўлиб, "пудрлигини" саноқли дақиқаларда намойиш этишни кишини ажаблантиради. "3 йил бир ёстиққа бош қўйдим, ўртамизда бир нафар фарзандимиз бор, онаси менга ёқмайди, сиз мен хоҳлаган, ахтарган қизлардан экансиз", - деди у сизга.

Сиз унинг оливайи муҳити билан яқиндан таниш ҳам эмассиз. С. акангиз сиздан кейин ҳам бошқаларга кўз олайтирмаслигига ишонасизми? С. қатори унинг хотини, норасида қизалоғи, хотинининг ота-аналари, яқинлари қатори қалбингиз албатта жароҳатланади. Ҳаёт кишига бир марта берилади. Ўзгалар бахтига чанг солманг.

Обдон ўйланг. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Мактубингиз сўнггида ёзган қуйидаги жумлаларингиз ўзингизга сабоқ бўлсин: "Мен унинг ёлғизи эмасман", деган ўй ҳамма вақт мени қийнашдан кўркаман. Оилали, фарзанд-

**ЭСЛАТМА:** С. исмли йигит билан танишиб қолдик. Унинг хотини, қизи бор экан. Хотинига кўнглингиз бўлса-да, қизини етим қилишни истамаккан. У менга ўйланмоқчи. Нима қилишга ҳайронман...

**ДИЛФУЗА**

ли эканлигини яшириб, сизнинг кўнглингизни, қалбингизни ўзинга ром қилиб, боғлаб бўлгач, воқеани айтиши ўргимчакнинг ўлжасини тўрига илтириб бўлгач, бу ёғи ўзингизга ҳавола дегандек гап, хаёлимда.

Дилфуза, С. акангизнинг хотини, норасида гулдк қизи сизга боқиб, жавдираб қараб турибди. Биласиз тўрига илингач, чиқиб кетиш учун яна атрофдагилардан наҳот ахтариб, йўл-йўриқ сўрайсиз.

Тўр эса уч кишига тегишли. Сиз ҳам бунга шерик бўлгач, минг бора афсус чекмаслигингизга ишонасизми?

Дилфуза, сизга маслаҳатимиз, бу йўлни ҳеч қачон танламанг. Сиз орзу қилган, С.га ўхшаш йигитлар ҳаётда кўп.

Севимли шоиримиз А. Ориповнинг қуйидаги шеъриндан хулоса чиқариб, яна бир бор ўз атрофингиздагиларга хушёр боқиб, ақл билан иш юритинг.

**Неларни кўрмаган инсоннинг боши, Неча бор қоврилиб, тирилган жаҳон. Барига етаркан сабру бардоши, Демак, иродадан яралган инсон.**

**Нодира МИКЛИБОВА**  
Навоий вилояти,  
Нурот тумани,  
Сойкечар қишлоғи

**ЯХШИ ОДАМЛАР КЎП**

**«Ёлғиз яшаш қийин экан»—20-сон**

Синглим, ёш бўлишингизга қарамай шунча қийинчиликларга чидабсиз. Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу. Менинг ёшим 27 да, турмушга чиққанман. Ҳўжайиним билан иккаламининг иккинчи турмушимиз. Эримнинг биринчи турмушидан икки нафар ўғли бор. Менда эса ҳамон фарзанд йўқ. Сиз айтгандай, айқ бўлса ҳам эрим бор, лекин фарзанд ҳаёт қувончи, мазмуни-ку. Ажраб кетишимизга мингта сабаб бор, лекин мен чидаяман. Қайнонамнинг инжиқликларини нафақат мен - ўғиллари ҳам кўтара олмайдди. Ота уйимга яна қайтиб боришга номус қиламан. Отам катта жойда ишлайдилар.

Онам эса маҳаллананг олди аёлларидан бири, юзини ерга қарата олмаймак. Иккита синглим, укам ҳаммалари уйли-жойли. Ажрашиб кетсам, куда-андалар олдида уят деб, чидаб келмоқдам. Сингли-укаларимнинг ҳам фарзандла-

**ЭСЛАТМА:** Биринчи эримдан бир қизим билан ажрашдим. Иккинчи эрим эса қизимни чиқиштирмади, тўртқилайверди. Охири яна ажрашдим. Энди эса... Ўйламай қилган ишимдан пушаймонман.

**Ф.**

ри бор. Фарзандсиз аёлни аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг. Шунинг учун сингилжоним шовилманг. Ахир фарзандингиз ҳаётингиз мазмуни-ку. Фарзандингиз бор, қаддингизни тик тутинг. Сизнинг ҳаётингизни, кўз ёшларингизни кўриб, қизингизнинг одамларга ишончи йўқолади. Дунёда яхши одамлар кўп. Сабр қилинг, ишланг, одамлар ичда бўлинг. Қизингизга чиройли тарбия берсангиз, албатта бахтини, камолини кўрасиз.

**САЙЁРА**

**Тошкент**

**КЕЛАЖАК УЧУН КУРАШИБ ЯШАНГ**

**ЭСЛАТМА:** Дўхтирларнинг хатоси сабабли ногирон бўлиб қолдим. Ҳаётда бирон дўстим ҳам йўқ. Ҳамма менинг устимдан кулаётгандек туюлади. Дилимдаги орзуларим саробга айланди. ГЎЗАЛ

Синглим Гўзал. Дардли ҳасратларингиз битилган мактубини ўқиб, юрагингиз нечоғли эзилаётганингизни тасаввур қилаяман. Сиз ақлли, билимдон ва маданиятли қиз бўла туриб "ақлимни танигандан бери, юрагимни туб-тубида ўзимга нисбатан нафрат уйғонди", - дебсиз. Йўқ, сингилжон. Сиз ҳаётда из қолди-

ришингиз учун курашингизгиз керак. Ахир сиз ўзингиз орзу қилган соҳанинг бўлажак мутахассиси экансиз. Сиз ҳаётга бошқача кўз билан қарашингиз керак. Кўпроқ дўстлар орттириб, одамлар орасига қўшилишингиз керак. Наҳот сизни шунча йил оқ ювиб, оқ тараган ота-онангизни ўйламангиз? Уйингиздагилар сизга парвона бўлса, бундан асло ранжиманг. Аксинча, хурсанд бўлинг. Чунки ўз пуштиқамаридан бўлган ногирон фарзандларини, силтаб, малол олиб, ташлаб қўйган ота-оналар ҳам афсусли бор. Оллоҳдан сўранг, ота-онангиз бахтингизга соғ-саломат бўлишин. Ҳеч қачон тушунлиқка туша кўрманг. Дардқашим йўқ деб ўйламанг.

**«Менга ҳақиқий дўст керак»—12-сон**

Кўлингизга қалам олиб, ўз хотирларингиз, кўрган-билганларингизни ёзинг. Еки китоб, газетажурнал ўқинг. Чунки булар инсоннинг дунё қарашини, фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Гўзал, бундан кейин тушунлиқка тушмаслиқга ҳаракат қилинг. Сизни ҳам бахтли қиладиган бир мард инсон топилади, албатта. Фақат умидсизликка тушманг. Инсон умид билан яшасинга ҳаётда ўз йўлини топиб олади. Сизга бахт, омад, соғлиқ ва чиройли ҳаёт тилайман.

**Осийёҳон АХРОНҚУЛОВА**  
Пахтабод тумани,  
Уйғурбод қишлоғи

**Азиз хияним ЖАВОҲИР!**

Сени 2 ёшга қадам кўйишни билан шайқоқлайман. Ота-онам кўзларини қубнашиб соғу-саломат улаётини. Бахлу-саодат сена ёр бўлсин.

**Амакинг Юсуф**

**Синглим ДИЛФУЗАХОН!**

Мен сени 18 ёшга билан ёни поракдан шайқоқлайман. Сена узок уч, бахт-саодат тилайман. Илоҳим ниманки ниятларини бўлса ҳаммаси амалга ости. Бахтимизга доимо соғ-омон бўл!

**Аканг Анваржон**

**Хурматли падари бузрукворимиз Гайып КАЛИЛА ўғли**

Отақон! Сизни 16 йил - таваллуд айёмингизнинг муқорак 66 ёшлигим билан ёни қавийдан кутайман. Доимо соғ бўлинг. Онамиз Айгул билан узок ёшлар давомида биз фарзандларингиз ва набиқаларингизнинг розалигини кўриб юришлар.

**Эҳтиром билан ўғлингиз Худойназар**

**ЭЪЛОН**

А.Икромов туманидаги "Шамс-Анвар" фирмаси тугатилди. Даъволар бир ой муддатда 47-31-51 телефони орқали қабул қилинади.

**ҲАМИША СОҒ БЎЛИНГ!**

Мен 20 йилдан буён сеvimли хонандамиз Ортиқ Отажоновнинг мухлисман. Хассос санъаткоримиз бу йил 55 ёшга тўлади. Куни кеча Ортиқ ака хонадонида бўлиб, у кишини самимий кутладим. Элимининг сеvimли, камтарин санъаткори Ортиқ Отажоновга янада мустаҳкам соғлик, оилавий тинчлик, узок умр тилайман. Ўзларининг ёқимли овозлари билан кўнгилларимизни кўп йиллар хушнуд қилиб юришларини Оллоҳдан сўрайман.

**Йўлдош БАҲОДИРОВ**  
Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Коммуна қишлоғи

**ОИЛА 23**

62 ёшли, соғлом, уй-жойли, фарзандларидан тинчиган, моддий таъминланган (аёли вафот этган) эркак, уйим-жойим дейдиган, 55 ёшгача бўлган тошкентлик, оқила аёл билан танишиш истагида.

**Торт ва пишириқлар пиширишнинг оддий ва олий курсларини ҳамда "Келин-куёв" тортини ясашни ўргатаман. Байрам ва тўй тортларини пишираман. Тел: 162-67-86**

**ОИЛА 24**

Тошкентлик, 37 ёшли, 1 фарзанди бор оқила аёл, ичмайдиган, чекмайдиган, жиддий, мард 43 ёшдаги эркак билан танишмоқчи.

**Буюртмага замонавий парда, чойшабарлик тикаман ва тикиш усулларини ўргатаман. Тел: 162-67-86**

**Холис аудиторлик хизмати кўрсатилади. Бизнесплан тузамиз. Тел: 47-31-51**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»**

**Куйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:**

- энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик;
- пардалар, чойшабар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик;
- машинада гул тикиш - 3 ойлик;
- аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик.

**Дикқат!!! 2001 йил апрелда бошlab махсус кичик гуруҳларга ҳам (3-4 кишидан иборат) қабул қилишмоқда ва ўқитилмоқда.**

Ҳар куни яқка тартибда олиб борилган нуғуми машгулотлар давомида марказ курсларининг ҳар бирини бир ойда ўзлаштирасиз. Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар куни (жуманбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.

Манзилмиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.  
Мўлжал: Метронинг «Амир Темури» бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 133-73-97 (кечқурун).

**Озиш, семириш, ажин, қабзият, хуснбузарлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз. Телефон: 74-71-29.**

**РИЗҚ ВА НАСИБА**

Мен ризқ ҳақида ёзмоқчи эмас эдим. Аммо ажойиб туртки таъбир қилди. Яхши-си бир бошидан айтиб бера қолай.

Хўрозларимдан бири оёғини яхши бо-солмаётган эди. Уни сўйиб, қозонга солишга аҳд қилдим. Бир кўлимда чархланган ўткир пичоқ. Оёғим билан хўрозни қанотидан босиб туриб, калласини олмоқчи бўлдим. Ҳарчанд уринсам-да пичоқ кесмас, ҳатто тилмас эди. Фалати бўлиб кетдим. Пичоқка қарасам, яқинда чархлангангидан ялтираб турибди. Ўғлимни чақирдим. "Пичоқни нимага ишлатган эдинг? Расво қилибсан. Бор, бошқасини олиб кел", - дея пичоқни бир томонга улоқтириб юбордим.

Хўроз шўрлик жон талвасасида питирлаб, оёғим остидан чиқмоқчи бўлар эди. Пешонамни муздек тер босди. Ўғлим иккинчи ўткир пичоқни олиб келди. Унинг кескирлиги шундоқ ҳам билиниб турарди. Пичоқни кўлга олиб, "Бисмиллох, Аллоху акбар", - дея яна хўрознинг калласини олмоқча уриндим. Минг хайратким, бу пичоқ ҳам ўтмасди. Энди баданимга титроқ турди. Хўрознинг буйнига синчиқлаб қарадим, тилинмаган ҳам. Худди пичоқ қалин темиртакка айланган эди. Уйланиб қолдим: "Мен хўрознинг бошини олмоқчи бўлаётиману, Яратган умрини узун қилган бўлса, чорам қанча? Демак унинг хали умри бор, унинг жонига қасд қилишга менинг ҳақим йўқ", - деган фикр хаёлимдан ўтиши билан хўрозни кўйиб юбордим. У дарҳол нарироқда сочилиб ётган хўхори доналарини ейишга киришиб кетди. Унинг ейдиган ризқи хали бор экан-ку, мен уни ўзини таом қилмоқчи бўлдим. Бу кунги ризқимда, хўроз гўшти насиб қилмаган экан, на илож, донини териб юраверсин. Шу лаҳзада доно халқимизнинг: "Насиб қилса келар Шому Ироқдан, насиб этмаса кетар қошу қабоқдин" деган нақли тўғри айтилганлигига амин бўлдим. Насиб этмаган экан, оёғим остида питирлаб турган хўроз умри узунлигидан, насибаси бутунлигидан мамнундек тўлик овозда қичқираб эди.

Шу ўринда яна бир воқеа беихтиёр ёдга тушди. Пишиган ноқлардан тоғорага чиroyли қилиб тердим-да, устига бир-иккита юмшоқроғини кўйдим. Бозорга боргач ўша юмшоқ ноқнинг бирини кесиб харидорга таклиф қилдим. Харидор ноқни еб қўриб, хурсанд бўлди. Бироқ, савдолашмай кетиб қолди. Иккинчи харидорга ҳам шу зайлда кесиб ейишни таклиф қилдим. У ҳам еди, мамун бўлди. Ҳатто мактади, бироқ, савдолашмай кетиб қолди. Хайрон бўлдим. "Мазаси ёмон бўлса керак" деган хаёлда ўзим ҳам еб кўрдим. Ёмон эмас. Хуллас ярми ейилган ноқни бир четга қўйиб, бошқа ноқни кесиб, мазасини кўришга таклиф қилдим. Савдо бошланиб кетди. Кун кеч бўлди. Қолган икки-учта ноқни ўша ярми ейилган ноқ билан бирга уйга қайтариб олиб кетдим. Доим бозордан рўзгор қилиб қайтар эдим. Бу гал негадир ҳеч нима олгим келмади. Уйга келганимда фарзандларим: "Адам нима олиб келган эканлар?" - дея юғуриб бориб тоғорани очилди-да, ундаги яримта ноқни аввал ўғлим, кейин қизим еб тугатишди. Шундагина мен харидорлар бу ноқдан фақат бир тишлагина ейишганлигининг боисини тушундим. Шу битта ноқда беш кишининг ризқи, насибаси бўлган экан. Бозордаги, мен учун нотаниш харидорларнинг ҳам ўзимнинг ва фарзандларимнинг ҳам ризқимиз бўлганлиги учун беихтиёр уйга олиб келганман. Ана шундай, азизлар, ризқ, насоба дегани шу. Уни биров камайтира олмайди, кўпайтира олмайди ҳам. Айни вақтда бировнинг ризқини биров ея олмайди. Ҳар кимнинг ўз ризқи, насобаси бор. Илоҳим ўша ризқимиз тўлиқ, насобамиз бутун бўлсин. Шу ҳақиқатни англаганимизда ҳеч қандай ҳасад ва бахилликка ўрин қолмайди. Зеро, ризқимизнинг бутунлигини англаш кўнглимга хотиржамлик бахш этади.

**Хамдам ТўйЧИВ**



**Азиз юртдошлар!**

"Жаннат ороми" сайёҳлик фирмаси сизларни Франция, Япония, Швейцария, Чехия, Чехия (Карлова Вары) Анталия (Туркия), Кипр (Туркия) Миср, Малайзия, Таиланд, Латвия мамлакатлари бўйлаб саёхатга, МДХ ҳамда Ўзбекистондаги санатория ва дам олиш уйларида хордиқ чиқаришга боришингиз учун ўз хизматини таклф этади.

**Телефонлар: 144-75-76, 42-44-55, факс: 42-98-62**  
**Манзил: Беруний кўчаси, 83 уй, "Ўзгазлойиха".**  
**Мўлжал: «Тинчлик» метроси бекати.**

**"BEGOYIM - SERVIS" - ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:**

- Кизларжон! Сизларни таътил пайтида хунарли бўли олишга таклиф этамиз.**
- 1. Сартарошлик - 2 ой.
  - 2. Бичиш-тикиш - 5 ой.
  - 3. Қандолатчилик - 2 ой.
  - 4. Компьютер (бошланғич) - 2 ой.
  - 5. Уй ҳамшираси - 2 ой.
  - 6. Массаж - 2 ой.
  - 7. Косметология - 2 ой.
  - 8. Парда - 2 ой.
  - 9. Инглиз тили (бошланғич) - 3 ой.
  - 10. Олий даражадаги қандолатчилик - 1 ой.



**Манзилмиз: "Мустақиллик майдони", Ўрда бекати. Анҳор бўйи 6-уй, "Феруза" тилла магазини орқасида.**  
**Тел: 41-16-63.**

**Бошқа вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

**"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ замонавий касбларга ўргатадиган куйидаги курсларга таклиф этади:**

- БИР ОЙЛИК**  
Компьютер саводхонлик курслари:  
- Windows2000 стандарт программалари (мактаб ўқувчилари учун).  
- WINDOWS 98/2000, Microsoft Office2000, Microsoft Word2000, Microsoft Excel2000, Ms-dos, NC - 2 ой.
- УЧ ОЙЛИК**  
- Ҳамширалик (амалиёти билан).  
- Сартарошлик (амалиёти билан).  
- Бичиш-тикиш (замонавий фасонлар).  
- Парда, пакирвал (замонавий Элита усулида).  
- Инглиз тили (бошланғич ва давом эттириш).  
- Араб тили (бошланғич ва давом эттириш).  
- Торт ва салат (одадий ва олий курси).
- ОЛТИ ОЙЛИК**  
- Ақушерлик (амалиёти билан).
- Изоҳ: Машгулотлар ҳафтада 3 марта ўтказилади.**  
**Битирганларга диплом берилади.**  
**Сизни куйидаги манзилда кутамиз: Метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати, Олмасор массиви, 8/1 уй, 1-йўлак, 30-хона.**  
**Телефон: 47-09-52, 45-98-96, 45-22-85**

**ҚОН БОСИМИНГИЗНИ ЎЛЧАШНИ БИЛАСИЗМИ?**

Аввало ҳар бир хонадонда босим ўлчайдиган мослама бўлиши керак. Бу мосламадаги манжет тирсақнинг юқори қисмига бойланади. Тирсақни фонендаскопга қўйилади. Манжетга ҳаво юборилади. Манжетда ҳаво маълум миқдорга етгач, у артерия томирини сиқа бошлайди. Натижада томтирдан қон оқиши жуда сустлашиб, юракнинг уриши эшитилмай қолади. Сўнгра секин-аста ҳаво чиқариб юраберилади. Маълум бир вақтдан сўнгра юрак томири уриши эшитила бошлайди. Мана шу лаҳзада манжетдаги ҳаво босими системик босим билан тенглашади. Манометр кўрсаткичини эслаб қолиш керак. Энди куйи босим - дис-

толик босимни аниқлашга киришамиз. Бунинг учун манжетдан ҳаво чиқилиши тезлаштирамиз. Юрак томирининг уриши кетма-кет, бир-бирига уланиб кетганда манометр кўрсаткичини эслаб қоласиз. Ушбу кўрсаткич куйи босимни билдиради.

**Маслаҳатхона**

Гипертоник касаллик, атеросклероз, инфаркт, инсулт, буйрак касалликлари бевоқифа қон босимига боғлиқ. Ушбу касалликларда қон босими ўзгариб туради. Бу ўзгаришни вақтида билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу вақтдан босимингизни мутасил ўлчаб туринг. Босимингиз 120 га 90 бўлиши мақсадга мувофиқ.

**«Оила ва жамият» ўғитномаси**

Дунёда китоб кўп баридан улуг - Тангрининг қаломи ул буюк китоб.

Ер ҳайдаётган зот нақадар улуг, Нақадар буюқдир дон эккан дехқон.

Яхши хабар берган забон кўп қутлуг, Дунёни бузади бир кичик ёлгон.

Гар биймон нуридан юраги селоб, Сўқмоқнинг кўнглида порлайди офтоб.

Ақли идрок ила яшаса ҳар кас, Муродга етгайдир бўлмаса нокас. Яхшининг ҳеч кимга зарари тегмас. Шул бос номардагач ҳеч бўйин эгмас. **Исматулло ЙўЛДОШЕВ**

**Б**ъзан инсон ҳаётида ўзи тасаввур қилмаган воқеалар рўй бераркан. Мактабни аяло баҳоларга битириб, Андижон Давлат университетига сиртдан ўқишга кирди. Мактабда ўқитувчилик ҳам қила бошлади. Касбим мен учун ҳамма нарсадан устун. Болаларни жондан севаман.

Қиз бола уйда меҳмон ҳисобланади. Ота-онанинг эндиги орузи - мени узатиш эди. Мен уларга: «Ўқиймани тугатиб олиб, кейин эрга тегаман», - дедим. Бу орада эшик тақиллатиб келган кўпгина совчилар қайтариб юборилди. Лекин, ота-она учун фарзанд камолини, бахтини кўриш истаги муҳимроқ бўлади. 5-курсга ўтаганимда

энди мени узатишларини айтишди. Мен энди улар раъйини қайтара олмасдим. Таниш бўлган одамнинг ўғлига беришмоқчи эканликларини билдиришди. Мен ҳам: «Бўпти, сизларни айтганингизга тегаман», - дедим. Менинг энг катта хатоим ўқиб, ишлаб юриб кимга турмушга чиқишимни ўйламаганим, ишласам бўлди, дейишим, келган совчилар билан ишим бўлмагани эди.

Мен турмуш қурмоқчи бўлган йигит билан бир марта учрашдим. Кўзимга ўртача кўринди (бўйи эмас). Негадир кўнглим гаш эди. Ҳадеб йиғлаётган эдим. Бирам юрагим сиқиларди...

Шу кетганча йигит қайтиб келмади. Ўзим ҳам бошқа суриштирмадим. Ота-онаси яхши, тушунган одамлар эканлигини менинг ота-онам билишарди. Уғли ҳам ўшаларнинг боласи-да, дейишганди. Орадан икки ой ўтди. Қиш ҳам келди. Улар келишди. Мен унамадим яна. Лекин икки томон келишган ҳолда тўйни бошлаб юборишга қарор қилишди. Тўй - халқимизнинг ўзига хос анъанаси. Сен учун шунча дабдаба. Ҳамма нарса сен учун. Тўйдан бир кун олдин никоҳ белгиланди. Мен уй ичида эдим, куёв кириб келаяпти дейишди. Шундай пардани суриб қарадим, қотиб қолдим. Шунақа хунук йигит келардики... Ичимга чироқ ёкса ёришмасди. Эртага тўй эди. Ортага қайтишни иложи йўқ. Тўй ҳам ўтди. Менинг эса кўнглим ёришмайди. Куёвим хунук бўлса ҳам гаплари маънили бўлганда уйим уй бўлармиди? Муомала-муносабати ҳам ниҳоятда совуқ эди. Уйимизга кетиб қолгим келарди. Кўнгил кўтарадиган гап айтмас, ҳадеб ноўрин кулаверарди. Жуда сиқилдим. У билан уришавардим. Менга гапиришини тақиклаб кўярдим. Яқинимга йўлатгим келмасди. Тўйдан бир ҳафта кейин ўқишга қайтдим. Ҳар кун йиғлаб бориб келаман. Ҳеч кимга ҳолатимни айтмадим. Лекин ҳаммаси юриш-туришим, юз-кўзимдан сезилар экан. «Сизга нима бўлди, нега бундай ўзгардингиз?», - деб сўра-

шади. «Ўзим шундай, турмуш қийин экан», - деб қўя қоламан.

Шундай юравериб соғлигим ёмонлашди. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Уйимда туролмайман. Ота-онамни олдига кетгим келаваради. Эримни кўрсам, галини эшитсам узоқ жойларга кочиб кетгим келади. 3 ой шундай яшадим. Чидай олмадим. Бир кун ишга бориб, ўшандан нари ўз уйимга кетдим. Ҳали ота-онам томонларидан чақирилмаганман. Чақиритиларини истамадим, унамадим. Уша кун айтмадим, лекин улар мени кўнглим

мизни кўнгли бўлса бориб яшайверарди, биз розимиз», - дедилар. Куёв бола ҳам шу гапни айтди. Мен бунга ҳам кўнмадим. Негадир анча қайсар қизман. Шу уйимга келганча уларни кимга қайтиб бормадим.

Тўғри, яшаш учун курашиш керак. Ахир мен учун ахрашиб кетиш ўлимдан оғир. Ёш қизман, эндигина 22 га қираман. Яшайверай десам куёвимнинг гап-сўзлари, юриш-туриши, қулишлари менга ёқмас эди. Роса ўйландим. Ажрашсам ўқитувчиман, халқ орасида гапга қолмайманми? -

рад жавобини бераман-у, ўзим қийналаман. «Бунча меҳрим қаттиқ бўлмаса, яхшиси менга ҳеч ким совчи қўймасин», - деб йиғлаган кунларим кўп бўлади.

Яқинда бир аёлдан шундай гап эшитдим. Эмишким, маҳалланing аёллари орасида «Гулнора юракчан», деган гап тарқабди. Аёлларга ҳайронман, қайдан топишди бунақа гапни? «Хали бирортаси билан юриш у ёқда турсин, узоқроқ гаплашармикан», деб ўйлашса бўлармиди. Ҳаётда озгизга кучи етмаганлар кўп экан. Ахир мен эримдан ажраган бўлсам, дарров ким биландир юриб кетавераманми? Тўғри шолени орасида курмаги ҳам бўлади. Мен бундайлар билан ҳатто салом-алик

## БАХТИЁР КУНЛАРГА ЕТАРМАН БИР КУН...



ёришмаганини билишган экан. Эртасига: «Энди мен унинг олдига бормаيمان», - деб ота-онамга айтдим. Улар менга насиҳат қилишди. Лекин, менга энди ҳеч бир насиҳат қор қилмасди. «Энди мени ҳеч ким мажбурламасин, ўзим ҳаётимни ҳал қиламан», - деб туриб олдим. Ота-онам, қариндошларимиз қийин ҳолатга тушиб қолдилар. Қайнона-қайнонам келишди, унамадим, куёвим келди, унамадим. Сўнг улар: «Қачон келини-

дедим. Зиёли кишиларнинг фарзанди бўлсам. Уларнинг обрў-эътиборини тушираманми, - дедим. Эҳ, ҳар томонини ўйлаб, охири ўзимни диққат қилиб касал орттириб олдим. Ишга боролмай қолдим.

Мана ота-онамикига келганимга ҳам икки йилдан ошқ вақт ўтди. Энди қайта эрга тегишдан, қайтиб адашиб қолишимдан қўрқаман. Иш мени овутади. Кўча-кўйда иложи борича бировга гапирмайман, ҳеч ким билан ишим бўлмайди. Шунда ҳам гап топилади бизда. «Гулнора ўзини катта тутарди», - дейишди. Майли, улар нима деса десин, деб қўя қоламан.

Қишлоқда боши очик аёлга нисбатан ноўрин гаплар айтилади. Аслида менга ҳам бундай муҳит умуман ёқмасди. Нима қилай, бошимга тушди. Бу орада раҳбар бўлдим. Кўп вақтим мактабда ўтади.

Турмуш қуришим керак, вақт кутиб турмайди, ёшим ҳам ўтаяпти - буни биламан. Лекин, кўнглимдагидай йигитни кутаяпман. Ёш эканлигим боисиданми, ёки фарзанди йўқ дебми, кун ора совчилар келишади. Йигитларнинг ўзи ҳам келади. Мен эса қўрқаман.

Тўғри, кўнгли нималарни истамайди. Йўқ, менга ўзимдай қўйгани бўлсин. Келаётганларни кўнглим суймай

қилишдан ҳам ор қиламан. Мен озги полвонларга шундай дейман: «Ўйлаб кўринг, эрини эшикдан кутиб, тешикдан бировларни совғасини олаётганлар қанча. Уларни нима деб атайсизлар? Сиз гапирётган гап орқасида ҳазрати инсон турганлигини биласизми? Инсоннинг, аниқроғи аёлнинг метиндек иродаси, пурвиқор қояларга етулик сабр-тоқати бор. Унутманг, аёлнинг гулдан-да нозик қалби ҳам бор. Қалб гулшанини пайҳон қилишга сизнинг ҳақингиз йўқ, азизлар.

Сиз эгнингиздаги кўйлагингизни авайлайсиз. Жонсиз идиш-товоғингизни, янгисини олса бўладиган кийимингизни, яна курс бўладиган эшигингизни аяйсиз. Лекин, лекин рўпарангиздаги тирик инсон қалбини-чи? Ахир инсон бир синса, қайта бутун бўлмайди, бир сўлса қайтиб очилмайди, агар бир кетса қайтиб келмаслигини ҳам билиб гапирасизми?

Нега бировларни гуллаб-яшнашни кўра олмайсиз? Мени тинч қўйинг. Менинг мақсадим, халқим ишончини оқлаш, ўқувчиларимни соғлом, маънавиятли, маданиятли бўлишларига эришиш. Ҳаётдаги бахтимни ана шунда кўраман. Менинг бировлар ҳақида гапириб юришга вақтим йўқ. Сизлар ҳам мени ва мендек эридан кетган аёлларни ҳар хил гапларга балоғардон қилиб қўйманг. Менинг дилим ёмон оғриди.

Қўлингизда бахтинг бўлмаса лабингда кулгу бўлгани билан қалбингиздан севинмайсан. Қанчалар тўғри айтилган экан бу гап. Лекин қалбдан севинадиган кунларга етказишини Яратгандан чин дилдан сўрайман.

**Бахтиёр кунларга етарман бир кун, Кўшиққа айланар зимистонли тун, Яримта юрагим бўлар-ку бутун, Кўнглига бермасин ҳеч кимса озор, Эй, инсон адашма, мен-ку адашдим...**

ГУЛНОРА

## ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҚАЛБИ БОР...

Азалдан бу дунёни бир кам дейишади. «Армонли дунё» ҳам дейишади. Менинг ҳам оянажоним қалбида армон, юрагимда дард мужжасам. Мана, 20 йилдан буён қаноти қайрилган қушчаси, яъни менинг атрофимда парвона. Уч ёшида хасталанган жигаргўшасини кўрсатмаган дўхтиру табиби қолмади. Лекин юғриб юрган оёқчалар бошқа кучга кирмади. Аммо онам тушқунликка тушмади. Аксинча, оқ ювиб, оқ таради. Илк бор менга алифбе сабоғини ўргатган ҳам волидам бўлди. Мактабни ҳам битирдим. Дунёнинг вақти-бевақт қалбимга бериб ўтган зарбаларини эса

онаяжоним меҳри билан, муҳаббати билан енгиб ўтдим. Инсонлар орасида яшашни ўргандим. Дунё ва тақдир, ҳаёт сабоқларини англадим. Шунда мен бу бир кам дунё ва одамларни сева бошладим. Бугун эса оянажонимнинг тоғдек бардоши, осмон каби бепоён бағрию, қуёшдек илиқ меҳру муҳаббати олдида бош эгаман. Икки синглим ва бир укам бор. Ота-онамнинг тўғри тарбияси тўғрилик биз - опа-укаларнинг ўртасидаги муомала-муносабат, ҳурмат, меҳр-оқибатдан хурсандман.

Фикри ожизимча, бу бир кам дунё камлари инсон гурурини синдира олмайди. Гарчи «ноғи-

рон бўлсак ҳам ҳаётга, гўзалликка интилиб яшаймиз. Армон, дарду ҳасрат, алам ва ўқинчдан ташқари бизда ҳам уларга ҳамоҳанг юрак, қалб, орзу-умид ҳамда ишонч яшайди. Бизни ва бизнинг қалбимизни тушунайдиган ёки атай тушунашни истамайдиганлар ҳам топилади. Улар гоҳида шундай совуқ назар ташлаб ўтишадими, юрагинг беихтиёр музлаб қолади. Бундайлар ким? Улар оддийгина одамлар. Лекин тўғри, уларнинг омади, бахти - бу уларнинг тўрт мучаси соғлиги. Мен бу билан кимгадир озор етказмоқчи эмасман. Ҳар кимнинг ўз қалби, ўз дунёқарши бор. Лекин бизлар ҳам инсонларимиз! Ким

бўлишимиздан, қандай кўринишимиздан қатъий назар унутманг, биз - инсонимиз!

Ноғирон фарзанди қошида менинг онам каби туну-кун парвона оянажонлар! Сиз каби метин иродали оянажонларнинг қаноти қайрилган қушчалари - фарзандлари албатта бир кун бахтини топади. Фақат сиз ўзингизнинг, қушчангизнинг қалбини асранг.

Эй, сиз ноғирон фарзандини ўйлаб дардини юрагига яширган отажонлар!

Ўқсиманг. Биламан, бу айтмоққа осон. Ҳар «оҳ» торганингизда бутун бир тоғлар қулайди аламларингиздан. Фарзандингиз учун биламан борингиз-

дан кечасиз. Дардига даво қидирасиз. Келинг, аламларни, ҳасратларни яшириб, ёлғондан бўлса ҳам кўзларингиз қулиб турсин. Токи ўша қалби ўқис фарзандингиз сизни шодон кўриб ўзини бахтиёр ҳис этиши учун.

«Англа, эй дарддошим - тенгдошим! Ўзи соғ-ку, лекин қалби носоғлар бор, дунёда. Ўзгалар бахтсизлиги ҳисобида бахтли бўлишни ўйлаётганлар, қабих ўйли кимсалар бор дунёда. Она Ватанига хиёнат ханжарин ураётганлар бор, дунёда. Ҳар дарднинг эса айби йўқ, давоси бор, лекин буларнинг давоси қайда?»

**Нигора МАМАТКУЛОВА**  
Наманган вилояти,  
Учкўприк тумани,  
Ғиждон қишлоғи

ДИЛ ИЗОРИ

**(Боши ўтган сонда)**

Кўзимга ёш куйилиб келди. Ўзимни ушломмай йиғлаб юбориб у кишининг барига отилдим, хаёлимда худди ... акамдан айрилиб қолаётгандек, гўё бир умрга видолашаётгандек ҳечам айрилгим келмасди. Қани энди илжи бўлсаю мен ҳам у киши билан бирга хизматга кетсам, ёнида туну-кун бошпана бўлсам.

- Нега йиғлаясиз Наргиза. Ахир мен урушга кетаётганим йўқ-ку.

Эҳ, йигитлар, йигитлар, қизлар қалбини қачон ҳис эта олгансизлар, ахир айрилиқ дея аталмиш туйғу фақат биз - қизларни йиғлатишини қачон тушуниб етасизлар-а? ... акамнинг бу гапидан хафа бўлмадим, мард йигитлар айрилиқ дея аталмиш муҳаббат довонидан мардларча ўтадилар, биз эса кўз ёш билан енгамиз.

- Мен сизсиз бир ярим йил қандай яшайман?  
 - Йиғламанг, ҳадемай анаман дегунча ўтиб кетади.  
 - Қанийди шундай бўлса. Билмадим, мен сизсиз жинни бўлиб қолсам керак.  
 - Демак армиядан қайтгач, сизни тополмасам жинниҳондан изларканман-да?  
 - Йиғлаб туриб қулиб юбордим.  
 - Мен бахтлиман, Наргиза!  
 - Сабабини билсак бўлади-ми?

- Айтмасангиз-да, мени севишингизни билиб, ўзимни бахтли ҳис этаёпман.  
 Бир-биримизга сўз қотмасдан анча-гача жим турдик.

- Мактабни тугатиб нима қилмоқчисиз? - сўради ... акам кўксидан бошимни кўтариб кўзимга тикиларкан.  
 - Педтехникумга кириб ўқимоқчиман.  
 - Ҳа.  
 - Менгаям дарс берасизми?  
 - Бўлмасам-чи, биринчи ўқувчим сиз бўласиз.

- Ишқилиб айтганингиз келсин-да. Қисаёт қизиқ экан, неки орзу-ҳавас қилсанг унга интилиб яшаркансан. Айнакча ниётларингиз пок, орзуингиз соф бўлса умрингиз, ўтаётган кунингиз шунчалар гўзал бўларкан. ... акамни кузатиб кўйганимга бир ойдан ошганида у кишидан илк мактуб олдим.

Уша дамда мендан бахтли, мендан шод киз йўқ эди дунёда. Муболага бўлмаса ўшанда ҳаётимда биринчи бор бахт дея аталмиш туйғунинг нашидасини таътиб кўргандим. Мен учун севишли ёримдан хат олиш ҳақиқий бахтининг ўзгачаси эди. Мактубни очиб ўқияпману кўзларимдан дув-дув ёш оқади, юрагим халпикчи кўллари қалтирайди...

«Салом қалбим маликаси Наргизахон, - деб бошланганди хат. - Аввало, бир ойдан бери сизга хат ёзолмаганим учун узр сўрамоқчиман. Хар қалай бу узрим-гуноҳим учун бериладиган жазони енгиллатишга ёрдам берса ажабмас. Сизга мактуб ёзолмаганим сабаби, то бу ердаги шароитга кўникиб олганимча вақт ўтиб кетиб қолди. Биз Чирчикдаги ҳарбий қисмига келиб тушдик. Ҳозир бизни бу ерда фақат ҳарбий машқлар билан тоблаб боришяпти. Ҳарбий машқлар синовида қийинчилик йўқ ҳисоби. Чун-

ки юрагим остида сизнинг суратингиз, кўз олдимда сиймоингиз турибди. Қалбимда эса исмингиз ўйиб ёзилган. Сизнинг муҳаббатингиз мени бу синовларда қийналмасликка, чарчамасликка ундаб келмоқда. Фақат сиз менга тез-тез хат ёзиб турсангиз бас. Сиз билан хайрлашиб кетганимдан кейин негадир

**Дилшод КҮЛДОШЕВ**



**МУҲАББАТ МАЛИКАСИ**

ўзим билмаган ҳолда бир азобга дучор бўлдим, жоним. Бу - айрилиқ, соғинч азоби. Уша хайрлашиб онларига бежиз йиғламаганингизни энди тушуниб етаяпман. Наргизам, аяшяимки тақдирим йўлида сиз рўпарў бўлиб менга ҳаёт нималигини, яшашдан маъно-мантқ нелигини англадингиз. Севгининг беадад кучи бунчалар сеҳрли эканлигини энди-энди тушуниб етаяпман. Ҳаётнинг, муҳаббатнинг бу синовларидан ўтиб олсак, марра бизники. Хайр жоним, мени десангиз кўп йиғламанг, сизни соғиниб гойибона ўлиб қолувчи ... акангиз».

У киши таъкидлаганларидек ҳаёт синовларидан ўтиш, айнакча айрилиқ ила ўтиш оғир кечарди. Кунларни тез-тез ўтишини Оллоҳдан ёлвориб сўрадим. Қани энди додим, оху-фарёдим Худога етиб борса-ю, чархи-дунё чир айланиб бир ярим йил лип этиб ўтиб кетса. Кимгадир мактабни битириб ўқишга кирдим. Ҳаётнинг, шодлиққа тўла бахтимни айтиб гурур ила мактабни кўйгим келарди. Аммо мен - ёввойи қизни на бирон сирдошим бор эди. Фақатгина баъзида онамга ботиниб айтгим келарди, лекин негадир айтолмасдим.

Орадан ярим йил ўтди. Ушанда ярим тунда алғов-далғов тушлар қўриб сесканиб уйғониб кетдим. Уйғондиму бирдан кўз олдимга ... акамнинг сиймоси келди. Оллоҳдан у кишига мадад сўрадим. Уша тун тонггача ухломмай чиқдим. Хар 2-3 кунга келиб турадиган мактуб негадир тақа-тақ тўхтади. Хар

кунни почтачи уйимиз олдидан ўтишини пойлаб атайин дарвоза олдига чиқиб тураман. Почтачи мени кўрсаям кўрмасликка олиб ўтиб кетади. Ушанда ҳўрлигим келиб йиғлаб олардим. Бир ой ўтгандан кейин ҳадеб ўйлай-верганимданми касал бўлиб ётиб қолдим. Сал ўзимга келганимда аям қўярда кўймай дардимни сўрадилар:

- Болажоним, айт, нима бўлди? Ичингда қандай дард бор, ахир мен онангман-ку, ҳеч бўлмаса менга айтгин, жон болам, ўзингни қийнама, қўлимдан келса дардингга малҳам бўламан, айт болажоним.

Аямнинг кўз ёшлари мени ортиқ сир сақлашга кўймади. Юрагимнинг қат-қатида сақлаб келаётган ширин дардларимни аямга айтиб бердим. Қиз боланинг қалбини она тушунар экан, аяжоним сирларимни эшитиб, йиғлаб юбориб бағриларига босдилар.

- У йигит агар бир сўзли, мард бўлса сани ташлаб кетмайди. У албатта ҳали хат ёзади, балки ҳарбий машқлари кўпайиб кетиб қўли тегмаётгандир. Сен хавотир олма. Агар ўша сан таърифлаган йигит бўлса у албатта хат ёзади. Ўзингни кўп қийнама қизим, ҳадемай 7-8 ой ўтиб ўзиям келиб қолади.

Ичимни ит тирнарди. «Нега хат ёзмаёптилар, биламан, у киши ўрта-миздаги севимиздаги бир нарди. «Нега хат ёзмаёптилар, биламан, у киши ўрта-миздаги севимиздаги бир нарди. «Нега хат ёзмаёптилар, биламан, у киши ўрта-миздаги севимиздаги бир нарди. «Нега хат ёзмаёптилар, биламан, у киши ўрта-миздаги севимиздаги бир нарди.»

У жавоб беришга улгурмади. Белига қалин кўк чизик торган «Доган» русумли машина томига ўрнатилган чирогини липиллатиб, худди «тез ёрдам» машинасиники каби хавотирли чинқирқиб билан олдинга ўтиб тўхтади.

- Ҳўш нима гап, тинчликми, - ундан зобит кийимидоги ДАН ходими сакраб тушди. Уни дарров танидим. Бу зобит бўлиминга бошчилик қилар, хар қандай қоғдабузарлиқни қаттиқ жазолар эди.

- Уртоқ командир? Бу акам қизил чироқда кириб келдилар, - ахборот берди назоратчи. - Унда нега қараб турибсан, тезда баённома тўлди. - Унинг хар бир сўзи автомат ўқидек тарсиллаб чиқарди. У менга синчков тикилди-да, яна шоширди. - Бўл тезроқ, йўлни бўшат! Ҳч минутдан кейин бу йўлдан делегация ўтади.

Эрталабдан осмонни эгаллаб олган қора булутлар янада қуюқлашди. Қаердадир, осмонни ҳов анави бурчагида момақалдироқ бўғиқ гум-бирлади. Қудратли товуш фазага тарқаб улгурмасдан юзимга битта совуқ томчи урилди.

- Ҳаммаси тумоқ, - алам билан пичирладим, - алвидо гувоҳномам!  
 Зобит шаҳдам қадамлар билан ўз машинаси томон қайтаркан, мени машинам рўпарасига етганди уни ичига кўз ташлашни ҳам унутмади.

Шунда мўъжиза содир бўлди. - Ака, новвойисиз, - назариди унинг кўзлари порлаб кетгандай бўлди. У тасдиқ ишорасини олгач, яна бир зумда ўз ходими олдига пайдо бўлди. - Ука, кўй шу сафар баённома тўлдирмай қўя қол. Новвойлар Худо севган банддалар. Ёшлигимда қисқа муддат шоғирдлик қилган бўлсам-да, новвойликни оғир меҳнатини яхши биламан.

У менга юзланди:  
 - Ака, энди эҳтиёт бўлиб юринг. Яна қоидани бузсангиз аяб ўтирмайсиз. Оқ йўл!  
 Баногоҳ кўтарилган шамол қора булутларни уқпардек тўзғитиб юборди. Куёш мўл-қўл нур соча бошлади...

(Давоми бор)

**Нон ҳақида Ғаройиб ҳикоялар**



**СОБИҚ ШОГИРД**

**(Боши ўтган сонларда.)**

Ола таёқ кўтарган ДАН ходими йўл ўртасига ўқдек отилиб чиқди:  
 - Ҳужжатларингиз?!..  
 - Айб ўзимда, қизилда ўтиб кетдим.  
 - Окашон, нима гуноҳ қилганингизни биласизми? - ҳайдовчилик гувоҳномамни варақларкан, йўл назоратчиси мен томон голибона назар ташлади.  
 - Биламан, - хаёлан жавоб бердим унга. Ҳаммасини биламан, бу бир йил ичидаги учинчи қоғда бузишим эканини ҳам, агар ҳозир гувоҳномамни олдирсам машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум бўлишимни ҳам биламан. У вақтда тирикчилик ҳам... у ёғини ўйлагим келмасди.  
 - Ука, балки келишармиз, - уни гапга кўниш ё кўнмаслиги гўё кўзига ёзиб қўйилгандек кўзига қаттиқ тикилдим, - гап йўқ, айбимга иқрорман.

У жавоб беришга улгурмади. Белига қалин кўк чизик торган «Доган» русумли машина томига ўрнатилган чирогини липиллатиб, худди «тез ёрдам» машинасиники каби хавотирли чинқирқиб билан олдинга ўтиб тўхтади.

- Ҳўш нима гап, тинчликми, - ундан зобит кийимидоги ДАН ходими сакраб тушди. Уни дарров танидим. Бу зобит бўлиминга бошчилик қилар, хар қандай қоғдабузарлиқни қаттиқ жазолар эди.

- Уртоқ командир? Бу акам қизил чироқда кириб келдилар, - ахборот берди назоратчи. - Унда нега қараб турибсан, тезда баённома тўлди. - Унинг хар бир сўзи автомат ўқидек тарсиллаб чиқарди. У менга синчков тикилди-да, яна шоширди. - Бўл тезроқ, йўлни бўшат! Ҳч минутдан кейин бу йўлдан делегация ўтади.

Эрталабдан осмонни эгаллаб олган қора булутлар янада қуюқлашди. Қаердадир, осмонни ҳов анави бурчагида момақалдироқ бўғиқ гум-бирлади. Қудратли товуш фазага тарқаб улгурмасдан юзимга битта совуқ томчи урилди.

- Ҳаммаси тумоқ, - алам билан пичирладим, - алвидо гувоҳномам!  
 Зобит шаҳдам қадамлар билан ўз машинаси томон қайтаркан, мени машинам рўпарасига етганди уни ичига кўз ташлашни ҳам унутмади.

Шунда мўъжиза содир бўлди. - Ака, новвойисиз, - назариди унинг кўзлари порлаб кетгандай бўлди. У тасдиқ ишорасини олгач, яна бир зумда ўз ходими олдига пайдо бўлди. - Ука, кўй шу сафар баённома тўлдирмай қўя қол. Новвойлар Худо севган банддалар. Ёшлигимда қисқа муддат шоғирдлик қилган бўлсам-да, новвойликни оғир меҳнатини яхши биламан.

У менга юзланди:  
 - Ака, энди эҳтиёт бўлиб юринг. Яна қоидани бузсангиз аяб ўтирмайсиз. Оқ йўл!  
 Баногоҳ кўтарилган шамол қора булутларни уқпардек тўзғитиб юборди. Куёш мўл-қўл нур соча бошлади...

(Давоми бор)  
 Ҳожимурод АБДУРАХИМОВ

**Оила ва жамият**

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
 Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35  
 Котибият, хатлар: 34-25-46  
 Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:  
 Тошкент - 700000  
 Амир Темури кўчаси,  
 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо  
 наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
 Босишга топшириш вақти - 20.35  
 Босишга топширилди - 20.00

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»  
 Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яққа обуначилар учун 176  
 ташкилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида  
 № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
 Буюртма Г - 2026  
 Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.  
 Баҳоси эркин нарҳда.  
 Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ.  
 Навбатчи - М. СОДИҚОВ.

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жоавобгар ҳисобланади.  
 Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланганли.